

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Абдумутал ҚАМБАРОВ, Дилшоджон ТОШАЛИЕВ**

# **САРАХБОРЛАР**

(Ўқув-услубий қўлланма)

“Фарғона” нашриёти, 2021 йил

УЎК: 781.7(072)  
КБК: 85.98(5Ўзб)  
Қ 19

*Фарғона давлат университети Илмий кенгашининг 2020 йил  
30 ноябрдаги 3-йигилиши қарори билан нашрга тавсия этилган*

***Масъул муҳаррир:***

**Султонбек Маннопов, Ўзбекистон халқ артисти, профессор**

***Тақризчилар:***

**Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси,  
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор;**  
**Махфуза Каримова, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати  
институтини “Мақом хонандалиги” кафедраси доценти.**

**Абдумутал ҚАМБАРОВ, Дилшоджон ТОШАЛИЕВ**  
**Қ19 САРАХБОРЛАР** (Миллий мақом санъати назарияси ва тарихи фани асосида):  
ўқув-услубий қўлланма; услубий нашр; кирилл ёзувида. А.Қамбаров, Д.Тошалиев. –  
Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2020. – 152 бет.

*Мазкур ўқув-услубий қўлланма ўзбек миллий мақом санъатининг беназир дурдонаси бўлмиши “Шашмақом”даги Сарахбор туркумларининг таҳлили масалаларига бағишланган. Қўлланмада Сарахбор туркумларининг куй тузилиши, доира усуллари ва газал байтлари мазмуни имкон даражасида илмий таҳлил этилади. Шу билан бирга, “Шашмақом” таркибидаги айрим атамалар ва уларнинг фалсафий маънолари ҳамда ашула бўлимига кирувчи асарларнинг куй тузилиши қонуниятлари ҳақида ҳам қисман тўхталиб ўтилган.*

*Ушбу қўлланма олий таълим муассасаларининг санъатшунослик, мақом хонандалиги йўналишларида таҳсил олаётган магистрантлар ва талабалар, соҳа кишилари ҳамда ўзбек миллий мақом санъатига қизиқувчилар учун мўлжалланган.*

ISBN: 978-9943-6376-9-6

©А.Қамбаров, Д.Тошалиев – 2021  
© “Фарғона” нашриёти – 2021

## КИРИШ

Ўзбек халқининг тарихий-маданий ва диний-маърифий қадриятларини қайта тиклаш ва буюк аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий, маданий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунда Ўрта Осиёда яшаб, ижод қилган санъат намоёндаларининг илмий-маданий мероси, шунингдек, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга ёрдам берадиган миллий мақом санъати муҳим аҳамият касб этади. “Нега деганда, агар инсоннинг қулоғига енгил елпи, тумтароқ оҳангларга ўрнашиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охиروқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини... қабул қилиши қийин бўлиб қолади”<sup>1</sup>.

Анъанавий ҳаёт тарзи, ахлоқ меъёрлари ҳамда мусиқанинг маънавий озукаси бўлган миллий мақом санъатида инсонни камолотга ундайдиган дунёқарашлардан келиб чиқувчи бой менталитет мавжуд. “Мақом – оҳангга жойлашган тафаккурдир. У қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китоб... унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади”<sup>2</sup>.

Шуларни назарда тутган ҳолда ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда мақом санъатидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Айниқса, “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарорнинг ўз вақтида эълон қилинганлиги мақом санъатининг тарбиявий аҳамияти ўта муҳим эканлигидан далолат беради.

Ана шундай дурдона мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, назарий ва амалий ўзлаштириш, уни келажак авлодга етказиб бериш ҳар қайси мусиқа назариётчиси ва амалиётчисининг зиммасидаги муҳим вазифадир. Бу шарафли йўлда сидқидилдан меҳнат қилган мақомдон устозлар, мусиқашунос олимлар ва саводхон ижрочиларнинг самарали илмий изланишлари ҳамда эришган натижаларини эътироф этиш лозим.

Шарқ халқларида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган мусиқий жанр – мақомлардир. Улар мазкур халқларнинг ўзига хос миллий мусиқий бойликларини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият. 2008. Б- 143

<sup>2</sup> Саид Аҳмад. Илоҳий неъмат. –Тошкент.: “Тафаккур” журнали. 1994. № 1-сон. Б- 35

<sup>3</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли қарори.

мужассам қилган ҳолда, созанда ва хонандалар томонидан яратилган ва узоқ маданий-тарихий тараққиёт жараёнида мустақил мусиқий жанр сифатида юзага келган. Мақомлар кишиларни руҳан тетиклаштирувчи, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи сифатида қадим замонлардан буён бугунги кунгача инсонларга хизмат қилиб келмоқда. “Асрлар давомида улуғ олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидоийлиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат дунё миқёсида катта шуҳрат-эътибор қозонган. Мақом санъатининг гултожи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилгани ҳамда унинг Репрезентатив рўйхатга киритилгани бунинг яққол тасдиғидир”<sup>4</sup>.

Дунё миқёсида тан олинаётган мазкур санъат наъмунасининг маънавий озукаси, инсонни эзгу амалларга чорлаш хусусияти ва тарбиявий аҳамиятини англаш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда мақом намуналарини илмий таҳлил этиш ва миллий мусиқа ихлосмандларига етказиб бериш лозим бўлади. Бундай шарафли йўлда меҳнат қилиб, мақом сирларини ёшларга ўргатишда самарали фаолият олиб бораётган устозларнинг ўрни катта албатта. Ушбу қўлланма ана шундай маъсулиятли вазифани амалга ошириб келаётган устоз-мураббийлар ва анъанавий ижрочилик йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи-талабалар учун кичик бир дастак вазифасини бажариб беради.

Шашмақомдаги ҳар бир мақом икки бўлимдан иборат: Мушкилот – чолғу бўлими, Наср – ашула бўлими. Наср бўлими ҳам ўз навбатида биринчи ҳамда иккинчи гуруҳ шўъбаларига бўлинади. Олти мақомнинг ҳар бирида биринчи гуруҳ шўъбалари Сарахбор деб номланувчи туркумли ашула йўллари билан бошланади. Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ ва Сарахбори Ироқ шулар жумласидандир.

Сарахборлар Шашмақомнинг Наср бўлимини бошлаб берувчи – бош ахборотчи бўлганлиги учун ушбу туркумларни таҳлил қилиниши мақомларнинг ашула бўлими ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлишини таъминлайди. Шунингдек, Сарахборларнинг вазмин куй ҳаракати, мураккаб тузилиши ва ғазал матнининг мазмуни нуқтаи назаридан таҳлил қилиш тадқиқотчига катта масъулият юклайди. Шу ўринда, Шашмақомдаги бўлимлар ва уларнинг номланиши орасидаги мантиқий боғлиқлик

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391 сонли қароридан.

хусусида фикр юритишни лозим деб топдик. Бу орқали, мақом илмига эндигина қадам қўйган кизикувчиларга нотаниш бўлган атамалар мазмуни ҳамда, уларнинг Шашмақомга муносабати ва фалсафий маъноларини имкон даражасида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Мақомдон устозлар чолғу бўлимини Мушқилот, ашула бўлимини эса Наср деб номлашган. Мушқилот атамаси мушкул сўзининг кўплик шакли ҳисобланиб, “қийинчиликлар”, “мураккабликлар” каби маъноларни билдиради. Мураккаб куй айланмалари ва доира усулларини инобатга олиб, ушбу сўзни чолғу бўлимига берилган таъриф дейиш мумкин, лекин мазкур атама луғавий маъно жиҳатидан чолғу мусиқасига берилган ном сифатида тўлақонли мос келмайдигандек кўринади. Шундай бўлса-да, бизгача яшаб ижод қилган мақомдон олим ва бастакорлар чолғу бўлимини мазкур ном (Мушқилот) билан атаб келишгани бежиз эмас. Бу ҳақда қуйироқда батафсил фикр юритамиз.

Шашмақомнинг ашула бўлими Наср деб аталишида ҳам ҳеч қандай назарий умумийлик мавжуд эмасдек. Наср арабча сўздан олинган бўлиб, сочиб, тўкиб ташлаш маъноларини англатади<sup>5</sup>. “Маълумки, араб тилидан ўзлашган сўзлар таркибидаги айрим товушлар бугунги имлода битта ҳарф шакли билан ифода этилади. Дейлик, “зе”, “зот”, “зо” учун биргина “з” ҳарфи, “то”, “те” учун битта “т”, шунингдек, “син”, “сод”, “се” товушлари учун ёлғиз “с” ҳарфи қабул қилинган.

“Арабчадан ўзлашган бундай товушлар қатнашган сўзлар изоҳида баъзан чалкашликлар келиб чиққани кузатилди. “Проза” маъносини англатувчи “наср” сўзи билан боғлиқ шундай муаммо учради. “Наср” (проза)ни изоҳлашда у “арабча сўздан олинганлигига урғу берилиб, “кўмак”, “зафар”, “ёрдам” маъноларини билдириши” таъкидланади. Атаманинг истилоҳий изоҳига эътироз йўқ, бироқ сўз луғавий тарафдан бир товуш эвазига ислоҳга муҳтож. Чунки араб тилида уч турли “с” (“сод”, “се”, “син”) билан ёзиладиган учта “наср” сўзи уч хил маънони англатади. Агар “насрун” ص (сод) билан ёзилса “ёрдам, кўмак”, ث (се) билан ёзилса “сочиш, сочиб ташлаш”, агар س (син) билан ёзилса “бургут” деган маъноларни билдиради. Шу сабаб “проза”га муқобил “наср”ни луғавий жиҳатдан “кўмак, ёрдам” тарзида эмас, балки “сочиш, сочилган” деб тушунтириш тўғри бўлади”<sup>6</sup>. Лекин мақом илмида Наср сўзининг “кўмак”, “ёрдам” ва

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2007. Б- 22

<sup>6</sup> Баҳодир Карим. “Бир ҳарф ташвиши” мақоласидан. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2015 йил. 42-сон.

“зафар” маъноларини англатувчи **ن صرون** (насрун) қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Айтиш мумкинки, Наср сўзидан кўра, Назм атамаси ашула йўлларига ном сифатида кўпроқ яқин келади. Ҳар ҳолда, мақомларининг ашула бўлимидаги шўъбалари назмий, яъни шеърий йўлда битилган ғазаллар билан ижро этилган. Луғавий таҳлилимиздан, худди Шашмақом бўлимларнинг номи мантиксиз номлангандек кўринади. Аммо, хулоса қилишга шошилмаймиз, аслида ундай эмас! Бундай маҳобатли, мураккаб асарлар мажмуининг шаклланишига катта ҳисса қўшган мақомдон устозлар Шашмақомдаги мақомлар ва улар таркибидаги бўлимларни номлашда фақатгина назарий билимларга эмас балки, фалсафий жиҳатларга ҳам эътибор қаратганлар. Зеро, мақом санъати, хусусан, Шашмақом – умумий бир эзгу ғоя асосига қурилган ва бу ғоя диний-фалсафий негизга эгадир. Демак, Шашмақомнинг асл моҳиятини тушуниш учун унинг фалсафий асосларини ўрганиш зарур.

Чолғу ва ашула бўлимининг номланишидаги мантиқий мазмунни англашдан аввал Шашмақомни ташкил этувчи олти мақом номлари хусусида ҳам фикр юритиш керак. Шунда Шашмақом таркибида учрайдиган атамалар маъносини тушуниш осонлашади. Демак, Шашмақомни ташкил этувчи олти мақомни Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ деб номланиши ва айнан шу кетма-кетликда тартибланиши бежиз эмас. Бузрук – буюк, катта, улуг; Рост – тўғри, ҳақ; Наво – ёқимли оҳанг; Дугоҳ – икки парда; Сегоҳ – уч парда; Ироқ – мамлакат номи каби маъноларни англатади. Бундай номланган мақомлар орасидаги боғлиқликни диний-фалсафий караш билангина тушуниш мумкин. Эътибор қаратинг: Бузрук – буюклар, яъни пайғамбарларга нисбат берилиши. Пайғамбарлар эса ёлғон сўзлашмаган, Рост ҳамда ёқимли Наво қилиш (Аллоҳни зикр қилиш)ган ва бу ишни муайян парда (мақом)ларда, яъни иккинчи, учинчи пардаларда, Ироқ мамлақатида амалга оширишган. Ироқ мамлакат номи бўлиши билан бирга, чўл-у сахро, йироқ маъносида ҳам қўлланилиши мумкин. Буюклар қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, жазирама саҳродами, сўлим ўлкадами – Аллоҳни зикр қилишдан тўхташмаган. Келтирилган таърифлар яхлитланса, юқоридаги номларнинг кетма-кетлигидан қуйидагича мазмун ҳосил бўлади: “Буюклар (Бузрук) тўғри (Рост) наво қилишган, иккинчи (Дугоҳ), учинчи (Сегоҳ) пардаларда – Ироқдан!”. Бу фалсафий тасаввур бўлгани ҳолда, мантиқий асосга эга. “Хусусан, XVI асрнинг иккинчи ярми XVII асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган таниқли мусиқачи ва олим Дарвиш Али Чангийнинг устозлар Хўжа Абдулқодир Мароғий, Хўжа Сафиуддин

ибн Абдулмўмин ва Султон Увайс Жалоир фикрларига таяниб ёзишча: Аввалига етти пайғамбар номлари билан боғлиқ етти мақом бўлган. Бунда Рост мақоми Одам алайҳиссаломдан, Ушшоқ – Нуҳ алайҳиссаломдан, Наво – Довуд алайҳиссаломдан, Ҳижоз – Сулаймон алайҳиссаломдан, Ироқ – Аюб алайҳиссаломдан, Ҳусайний – Яқуб алайҳиссаломдан ва Роҳавий – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан мерос қолгани ҳақидаги ривоятлар баён этилади”<sup>7</sup>. Бир сўз билан айтганда, Шашмақом – буюкларнинг дарди ва зикрини ўзида мужассамлаштирган оҳанглар йиғиндиси дир.

Шашмақомнинг ички тузилишидаги фалсафий мазмуни эзгу мақсад йўлида дунё машаққатларидан, қийинчиликларидан ўтиб, пировардида (фуровардида) ғалабани тантана қилиш ғоясини тарғиб қилишдан иборат. Дастлаб, мушкilot (Чолғу бўлими), яъни қийинчиликларни енгиб ўтиш лозим. Ундан сўнг Наср (Ашула бўлими) яъни, “ғалаба”га эришилади ва Уфар – рақсбоп доира усули чалиниб, тантана қилинади. Уфарнинг маъноси “чангитиш” дир. Уфарлар ашула бўлимидаги ҳар бир туркумни яқунлаб берувчи шўъба ҳисобланади. Яъни, яқундаги олий мақсадга эришишни тантанаси деб хулоса қилиш мумкин.

Мушкilot ва Наср атамаларига берилган яна бир таъриф Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида ҳам учрайди: “...сўнгра биз мақомнинг ёлғиз чолғу билан юрган қисмига “машкilot”, чолғу ҳам кўшук билан юрганга “наср” дедик”<sup>8</sup>. Чолғу мусиқаси – мушкilot, яъни бу мусиқада қандай мазмун борлигини тушуниш қийин (сўз матни йўқлиги учун), ашула бўлими – Наср. Унда сўз матнлари борлиги учун ҳам мусиқада ифодаланган мазмунни тушуниш осонроқ, яъни наср маънони англашга “кўмак” беради. Фалсафий нуқтаи назардан қаралганда, мақомлардаги бўлимлар ҳамда қисмларнинг номланиши бежиз эмас ва ҳар бири маълум мазмунга эга. Бу эса ўтмишда яшаб, ижод этган мақомдон олимларнинг юксак закийлигидан далолат беради.

Шашмақомдаги шўъбаларга келадиган бўлсак, улар қайси мақом йўлига тегишли эканлиги, ҳамда қандай доира усулида ижро этилишига қараб номланадилар. Масалан, Сараҳбори Наво – Наво мақоми (лади)га<sup>9</sup> тегишли ва “сараҳбор” доира усулида ижро этиладиган асар демак дир. Насри Уззол – Уззол йўлида ва наср усулида, Мўғулчаи Бузрук – Бузрук мақомида ва мўғулча доира усулида ва ҳоказо. Деярли, ҳар бир шўъба

<sup>7</sup> Оқилхон Иброҳимов. Мақом ва Макон. –Т.: Мовароуннаҳр, 1996. Б- 12

<sup>8</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан, 1993. Б- 11.

<sup>9</sup> Мусиқа истилоҳида “Мақом” атамасининг бир-бирига яқин, тенг ҳуқуқли бир неча маънолари мавжуд бўлиб, “лад” ёки “товушқатор” маънолари шулар жумласидандир.

ана шу қоидага асосан номланган. Деярли дейишимизга сабаб, Шашмақом таркибида бастакор тахаллуси ёки бошқа сабаблар асосида номланган бир неча мақом шўъбалари ҳам мавжуд. Насруллои, Наврўзи Хоро кабилар шулар жумласидандир.

Мақом ижрочилари ашула бўлимидаги шўъбаларни таркибий қисмларга бўлиб, уларни муайян номлар билан аташган. Бу иборалар орқали ашуланинг куй-оҳанг тузилишини тасаввур қилиш осонлашган. Асарнинг бошланиш қисмини – *Даромад*, ўрта пардаларда ижро этиладиган жумлани – *Миёнхат*, Даромаддаги куй ҳаракати бир октава баландликда такроран ижро этилса, *Дунаسر*, деб номлашган. Дунаسر қисмидан сўнг, *намуд* деб аталмиш куй бўлаги қўлланилиб, бу қисм мақомларни таҳлил этишда асосий тушунча ҳисобланади. Мазкур иборалар ҳақида асарлар таҳлили давомида, навбати билан тўхталиб ўтамиз.

Ашула бўлимидаги шўъбаларнинг тузилиш қоидалари уларнинг куй ҳаракати билан бирга, ғазал манти асосида таҳлил этилади. Яъни муайян мақом шўъбасини ташкил этувчи куй жумлалари, ғазал байтлари орқали ажратилади. Шундай экан, мазкур қўлланмада мақомларнинг куй тузилишларини уларнинг ғазал манти билан узвий таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Бугунги кунда мақом шеърятининг ички хусусиятлари, унинг ўзига хос муסיкийлиги нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса-да, буларни етарли деб бўлмайди. Шунга кўра биз мазкур қўлланмада миллий маданий меросимиз дурдонаси бўлган Шашмақомнинг энг маҳобатли шўъбалари – Сарахбор туркумларини назарий асосларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Шашмақомдаги тароналарнинг доира усуллари адабиётларда турлича кўрсатилган ва амалиётда ҳам бу жараён доирачи ёки муסיкий раҳбарининг таъбига кўра ижро этилиб келинаётганлиги сир эмас. Шуларни ҳисобга олиб, илмий таҳлилларга асосланган ҳолда назарий билим ва амалий ижро ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида Сарахбор туркумларидаги айрим тароналарнинг доира усуллари амалий ижрога кўра, ашула йўлига мос қилиб ноталаштиришга ҳаракат қилинди. Ашула йўлига Ўзбекистон Радиоси ҳузурида атоқли санъаткор, академик Юнус Ражабий раҳбарлигида 1959 йилда ташкил этилган мақом ансамбли томонидан ижро этилган ва грампластинкаларга ёзилган аудио ёзувлар асос қилиб олинди. Қўлланмада ҳар бир назарий таҳлилдан сўнг асарнинг нота матни берилган. Нота намуналари ҳам Юнус Ражабий тўплаб, ноталаштирган олти жилдлик Шашмақом китобидан олинди.



ошиқнинг ички туғёнини ифодалаб беради. Шоир ушбу ўринда (“Кўнгил йирок, меҳрдан йирок”) мақолидан моҳирона фойдаланган.

Мазкур байт – биринчи хат саналиб, шўъбанинг Даромад қисмидир. *Даромад* – муסיқа асарларининг кириш қисми ҳисобланади<sup>10</sup> ва куйнинг бошланиш пардаларида ижро этилади.

Иккинчи хат куйнинг ўрта пардаларида ижро этилгани боис *Миёнхат* деб номланиб, шу билан бирга ижронинг квартага кўтарилиб куйланиши сўзнинг моҳиятини англашга туртки беради. Жумладан:

*Тинмас ҳаёли кунича кўз ёши қатрадин,*

*Юз сорини югузгучи гулгун буроқ эмиш.*

Иккинчи байтида шоир паралеллизм тасвирини қўллаган бўлиб, ҳаёл – юз сорига (бургутнинг парвози), кўз ёш (ёр тимсоли)ни гулгун буроққа (от) қиёслаб, “Кун бўйи ҳаёлим Ёр ишқида учар от каби парвоз этади, кўз ёшим ҳам қатра бўлиб тўкилишдан тинмайди” деган мазмунни ифодалаган.

Сарахборлар одатда хонандалар ансамбли томонидан гуруҳ бўлиб ижро этилади. Ижро жараёнида мазкур байтнинг биринчи мисрасини аёл хонандалар ижро этиши ҳолатни ифода этса, бу ҳолатга таърифни, яъни иккинчи мисрани эркак хонандалар куйлагани мақсадга мувофиқ бўлади. Миёнхат қисмида ҳам ҳанг ижро этилган бўлиб, бунда эркак ва аёл хонандаларнинг ижроларида ошиқнинг дардини яна ҳам очиб беришга ҳаракат қилиш мумкин.

Сарахбори Бузрук шўъбасининг учинчи хати *Дунаسر*<sup>11</sup> бўлиб, ғазалнинг учинчи байтида келади. Бу эса, албатта ғазални куй билан бирлашиб, ҳофизнинг юқори пардада ижро этиши ва ошиқнинг кўнгилдаги дарду ҳасратини яна ҳам очиб беришга хизмат қилади.

Мисол:

*Бўлмас висол бирла кўнгил дарду доғи кам,*

*Ул туймағурда, ваҳ, не бало иштиёқ эмиш.*

Мазкур байтда хатто ёрнинг висолига етишиш ҳам кўнгилдаги дард доғини камайтирмайди, бу туйғамурдаги (кўнгилдаги) иштиёқ қандай иштиёқ экан, деган фикр берилади.

<sup>10</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1963. Б-184.

<sup>11</sup> Дунаسر – ашула бошланиш оҳанглариининг юқори пардаларда такрорланишидир.

Тасаввуф таълимотига биноан, ошиқ дунё гўзалликлари – Ҳақ жамолининг тажаллиси, яъни Аллоҳнинг гўзаллигидан бир шуъла эканини яхши англайди. Демак, ошиқ маъшукани юзида акс этган Ҳақ жамолининг шуъласини кўриш билан қаноатланмайди, унинг кўнгли ҳақиқий жамолга эришишни истайди.

Юқоридаги байтнинг дунаسر (бир октава юқори пардада) қисмида ижро этилиши мисранинг маъносини кучли ифодалашга ҳаракат қилади. Байтнинг ханглар билан давом эттирилиши эса асарнинг кейинги жумласига ўтишда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Мақомлар тузилишида асосан дунаسر куй жумласидан сўнг, албатта бирор бир намуд ижро этилади. *Намуд* – тожикча кўриниш, намоён бўлиш, келиш маъносидаги сўз бўлиб, муайян куй ёки ашула жумласини бошқа бир ашула йўллари таркибидаги кўриниши демакдир.

Сарахбори Бузрук туркумида дунаسر қисмидан кейин, Насри Уззол шўъбасининг дастлабки оҳангини эслатувчи куй жумласи ижро этилади. Яъни, *Уззол намуди* қўлланилади. Уззол ибораси пастга тушиш, сакраш маъносини англатиб, бунда куй ҳаракати кварта ёки квинта интарвали даражасида пастга сакрайди. Бу эса ғазал матнидаги сўзни тингловчига сезиларли даражада таъсир қилишини таъминлайди.

Масалан:

*Қон боғлади жигарлари ул ғамза захмидин,*

*Чину Хитода нечаки оҳу қароқ эмиш.*

Бу байтда муболаға қўлланилган бўлиб, жигар қон ишлаб чиқарувчи, қон ҳайдовчи аъзо эканлигига эътибор қаратилади. Жумладан, жигарлар ўзи қон эди, лекин ул ғамзакор ёр берган захмидан жигарлар яна ҳам қон боғлади. Шунинг учун ҳам Чину Хитода оҳунинг ранги нечундир қаро бўлган эмиш. Бу ерда шоир ўзини Чин мамлакатада учрайдиган қорамтир тусли оҳуга таққосламоқда. У ҳам бўлган захмлардан қорайиб кетгандур, демоқда.

Юқоридаги байт маъноси ўзидан олдинги мисраларга нисбатан кучли эканлиги куйда ҳам ўз аксини топади. Мазкур байтда дастлаб, ҳофиз ошиқнинг дардини намуди Уззол орқали очиб беришга ҳаракат қилади. Такрорий ижрода эса байтнинг биринчи мисрасига урғу берилиб, ханглар орқали ошиқнинг ҳолати тасвирланади.

Уззол намудидан сўнг намудлар ичида энг таъсирчан ва мунгли оҳангга эга намудлардан бири **Мухайяри Чоргоҳ** ижро этилади. Мухайяр – тузатилган, яхшиланган, танлаб олинган маъноларида келади.<sup>12</sup>

Жумладан:

*Ёйдек бўйимни эгди қошинг бори гам била*

*Ким, эгриликда даври қамар ичра тоқ эмиш.*

Кўринадики, ушбу байтда ҳам шоир параллелизм тасвирини қўллаган ҳолда баён қилган. Жумладан, ёр қошига етишмоқлик ғами ошиқ бўйнини ёйдек (камондек) эгди. Бу эгрилик даври қамар ичра тоқ – ойнинг энг эгилган ҳолатидан ҳам эгрироқ, демоқчи. Астрономия фанидан маълумки, Ой Ер сайёраси атрофида айланиб, ердан қаралганда турли кўринишларда, хусусан, ёйсимон шаклда намоён бўлади ва маълум даврда энг эгри ёй ҳолатида кўринади. Шоир ошиқнинг ҳолатини ана шу ойнинг ҳолати билан таққосламоқда. Ушбу мисраларнинг маъносини хофизлар томонидан нолали ижро этилиши тингловчига яна ҳам таъсирли етиб боришини таъминлайди.

Кейинги хат Мухайяри Чоргоҳ намудининг давоми ўлароқ, авж ҳисобланиб, асарнинг энг юқори пардаларида ижро этилади:

*Лутфий, Ҳирийда қолмади шеърингга муштарий,*

*Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш.*

Мазкур байтда шоир Ҳиротда уни тушунадиган инсон қолмаганлиги, шу боис Ҳижозга йўл олишини айтиб, мақоминг Ироқдир дейди. Бу орқали эса ошиқнинг макони жуда узоқда эканлигига ишора қилмоқда.

Байтнинг юқори пардаларда ижро этилиши, матн ва куйнинг уйғунлиги уни янада жозибдорлигини таъминлайди ва тингловчининг қалбини ларзага келтиради.

Юқоридаги хат яна бир маротаба такроран ижро этилиб, юқори пардадан аста-секин пастки пардаларга томон куйланади. Асарнинг бошланғич пардасига келиб, сўнг тамомланадиган бу қисм – **Фуровард** деб аталиб, туширим қисми ҳисобланади.

Сарахбор шўъбаси тугаллангандан сўнг бирин-кетин тароналар ижро этилади. “Тароналар мақом ашула бўлимининг биринчи қисмидаги шўъбалардан сўнг ижро этиладиган кичик шаклдаги ашула бўлиб, рақамлар билан ажратилади...”<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Ражабов И. Мақомлар. –Тошкент.: 2006. Б- 185

<sup>13</sup> Ражабов И. Мақомлар. – Тошкент.: 2006. Б-218.

**Тарона** сўзи форсча, қўшиқ ёки ашула турини англатади. Ўтмишда рубоий шаклидаги шеърлар билан ижро этиладиган ашулалар ҳам тарона деб юритилган. Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш Али Чангийнинг мусиқа рисолаларида тароналар куйнинг муайян шакли сифатида тушунтирилган. Мумтоз адабиётда эса рубоий жанрининг тўртала мисраси ҳам қофияланадиган тури “таронаи рубоий” деб аталади.

Шашмақомдаги тароналар ҳам қўшиққа яқин ихчам, кичик ҳажмли айтимлардир. Лекин мураккаб доира усули ва куй ҳаракатига эга тароналар ҳам кўп учрайди. Тароналар Шашмақомнинг биринчи гуруҳ шўъбалари орасида келувчи нисбатан кичик шаклдаги ашулалар бўлиб, уларнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- асосий шўъбалар орасидаги боғловчилик;
- йирик ҳажмли, вазмин асарлар орасидаги ранг-барангликни таъминлаш;
- асосий шўъбаларни ижро этувчи етакчи ҳофизларга дам бериш.

Мақомлар сарой мусиқаси ҳисобланиб, Хон ҳузурида бирин-кетин ижро этилгани учун, асосий шўъбаларни етакчи – устоз ҳофизлар ижро этишган. Тароналарни эса, шогирдлар куйлаб, устозлар навбатдаги асосий шўъбани ижро этиш учун овозга дам беришган. Мана шу жиҳатларни инобатга олиб, тароналарни мақомлар ижросида муҳим ўрин эгаллашини билиш мумкин. Тароналар номланмайди, рақамлар билан ажратилади.

Сарахбори Бузрукнинг биринчи таронаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Не фикреким сенинг фикринг...” деб бошланувчи ғазали билан ижро этилган.

Доира усулида қуйидагича:



*Не фикреким сенинг фикринг эмас, ул фикр эрур ботил,*

*Не умреким ўтар сенсиз, эрур ул умр беҳосил.*

*Жафоу жавр тавридин эрурсен асру кўп воқиф,*

*Вафоу меҳр расмидин бўлурсен асру кўп гофил.*

*Кўёш янглиғ юзунга мен дурурмен волау ҳайрон,*

*Янги ойдек қошинга мен дурурмен ошиқу майл.*

*Кечурдунг ою йилни масту беҳудлиғ била, Бобур,*

*Неча гафлат била умр ўткарурсен, неча кун, ой, йил.*

Тароналар бирин-кетин, тўхталишларсиз бир тартибда ижро этилади. Шашмақом Наср бўлимидаги тароналарнинг кетма-кетлиги ва доира усуллари шу қадар усталик





*Эй қасам ба чаимони сиёҳат,  
Жуз ту дигар касе надорам.  
Ёри вафодор, ҳайрони ту ман,  
Мунису ғамхор, қурбони ту ман.*

Олтинчи тарона ҳам ўзидан олдинги тарона сингари талқин усулида ижро қилингани туфайли доира усулида ўзгариш бўлмайди. Ушбу туркум хонандалар ансамбли томонидан куйланганда олтинчи тарона яккахон хонанда ижроси билан бошланса, асарга ўзига ҳос ёқимлилиқ, мантиқий хулоса ва яқунловчи характер беради.

Тароналар матн ихчамлиги ва куй оҳангининг асосий шўъбаларга нисбатан кичиклиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга тароналарнинг муҳим вазифалари борки, булар мақомлар ижросида алоҳида ўринга эга. Тароналарнинг биринчи вазифаси асосий шўъбалар орасида боғловчилик бўлиб, мақомлар ижросида туркумлилик ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи вазифа ранг-баранглик. Яъни оғир-вазмин мақомлар орасидаги тароналар енгил, ихчам, куй йўлидаги ўзига ҳос ҳаракатчан хусусияти билан бир хилликни олдини олади. Учинчи вазифа етакчи ҳофизларга дам бериш. Бу хусусият айнан мақомларга тааллуқлидир. Чунки мақомлар дастлаб саройларда, хон ҳузурида ижро қилинган. Асосий шўъбаларни устоз ҳофизлар ижро этиб бўлгач, кейинги асосий шўъба ижросига тайёргарлик кўрилган, тароналарни эса шогирдлар ижро этишган.

САРАҲБОРИ БУЗРУК

M. M.  $\text{♩} = 72-76$

*mf*

*f* 1.

Дил - бар со - гин ма - гви жи - хэ -

ти бу фи - роқ э - миш,

2.

куз - дин Ян - роқ бул - са, ку -

нгул - дин Ян - роқ э - миш? о

о

Жо - ни - мо - о

Тин - мас ха - е - ли ку - ни - ча

күз е - ши кат - ра - дин,

юз со - ри - ни ю - гуз - гу - чи

гул - гун бу - роқ э - миш.

Жо - ни

мо - о

III.

Бул -

мас вя - со - ли| бир - ла ку - нгул дар -

ду до - ги кам, ул

туй - ма - гур - да, ваҳ, не ба - ло иш - ти -

ёқ э - миш.

е - рам - мо жо - но -

ни - мо

Жо ни мо  
 Кон боғ - ла -  
 ди жи - гар - ла - ри ул гвм - за  
 зах - ми - дил,  
 Чи - ну Хи - то - да не - ча - ки  
 о - ху қа - роқ э - миш.

Е -  
 дек бұ - йым - ни эг - ди қо - шинг  
 бо - ри ғам би - ла  
 ким, эг - ри -  
 лик - дя дьв - ри қа - мар ич - ра  
 ток э - миш.  
 Буз - ди қа -

ро че рик би лан кунг лум ви  
 до я тин ул куз ки  
 турк лар дек и ши та ла  
 мок э миш  
 е ра мя  
 VII  
 Лут фия Хи рия да қол ма ди  
 шеъ ринг га муш та рия  
 е ро

е - ра мей. Лз - ми Хи -  
 жоз қил - ки, ма - қо - минг И -  
 рок э - миш. о  
 жо - ним  
 о е - ра о жо -  
 ним - мо е -  
 рам - мо жо - но - ним  
 мо о  
 а си рингмен

1. 0 Лут-фия, Хи-рий-да қол-ма-ди  
 шеъ-ринг-га муш-та-рий,  
 2. 33 - ми Хи-жоз қил-ки, ма-қо-  
 миғ И-рок-э-миш. 0 0  
 жо  
 ни мо 0  
 атасса 0

ТАРОНА I

М М  $\text{♩} = 100$   
 Не фикре-ким се-нинг

Фик - ринг э - мас, ул -  
 фикр э - рур бо - тил,  
 не ум - ре - ким у - тар сен -  
 сиз, э - рур ул ум -  
 рин бе - хо - сил  
 Жа - фо у жав - рид тап - ри -  
 дин э - рур - сен ас -  
 ру кўп во - қиф, ва - фо - у  
 меҳ - р(и) рас - ми - дин  
 бу - лур - сен ас - ру кўп го -

Фил.

Ку - ёш янг -

лиг ю - зиг(у) - га мен -

ду - рур - мен во - ла - у ҳай -

рон, ду - рур - мен - во -

ла - у ҳай - рон, ян - ги ой -

дек қо - шинг - га мен

ду - рур - мен о - ши - ку мо -

Аил Ке - чур - дунг о -

ю Аил - ни мас - ту бе - худ -

лиг би - ла Бо - бир,

не ча гаф - лат би - ла умр  
 ст - ка - рур - сен,  
 не - ча кун, ой, аил атасса

ТАРОНА II

M.M. ♩=112

Жо - ним - да ме -  
 нинг, жо - ним - да ме - нинг ха - ё - ти ся  
 жо - ним сен = сен, жо  
 ним сен = сен, е - реа жис -  
 ним - да ме - нинг, жис - ним - да ме  
 нинг ру - хи ра во -  
 ним сен = сен, жо ним сен =

сен е - рея. Бо - бир - ни се -  
 нинг - дек, Бо - бир - ни се - нинг - дек,  
 уз - га йуқ э - ри а - зи -  
 зин, э - ри а - зи - зин, э -  
 рай, ал - қис - са - ки ум - ри, ал -  
 қис - са - ки ум - ри жо - - - ви - до -  
 ним сен = сен жо -  
 ним сен = сен е - рея. атасса

М.М. ♩ = 104

ТАРОНА III

Ме - о - Аю ба су - и  
 хо - ня (хам), эй, э - тан - гасг

хил - ват хо - на - (х)ам. эй,  
 э, бах - ри шу - мо, жо - но - на (х)ан, эй  
 э, бах - ри - шу - мо жо - но - на - (х)ам эй  
 э, тан - хо би - ё, тан - хо би - ё  
 эй э, пис - та да - хо - ни  
 ман би - ё эй э, рус - та за -  
 бо - ни ман би - ё эй атасса

М. М.  $\text{♩} = 118 - 120$

ТАРОНА IV

Жо - ни - ман, ер, жо -  
 но - ни - ман, жо - но - ни,  
 ер, ге - пар - во - йи - ман.  
 То ту на - бо - ши ё ри -

ман, со - мон на -  
 е - бад ко - ри - ман атасса

ТАРОНА V

M.M. ♩ = 160  
 M.M. ♩ = 100

Хаж - ринг -

да, зя ер, ко - рим

фи - гон - дур, тин - май

ку - зим - дин аш - ким

ра - вои - дур. Ая - ла

та - рах - хум мен - га

ни - го - рим, ах - во

ли зо - рим сен га

а-ён дур. Ул ло-ла янғ-лиғ бағ-рим да қат-қат, боз ус-ти-на боз боз ус-ти-на боз доғ-лар ни ҳон-дур. Гул-дек ю-зинғ-ни иш-қи-да Нис-бат Бул-бул-га ўх-шаш ко-ри фи-гон дур. atassa

ТАРОНА VI

Ҳам - чун ху-боб

бе - қа - ро - рам,  
 иш - қи ту - кард хо - ру - зо -  
 рам, ай - қа - сам ба чаш -  
 мо - ни си - ё - хат,  
 Жус - ту ди - гар ка - се на - до -  
 рам о ё - ри ва - фо -  
 до - рие), хай - ро - ни ту ман,  
 му - ни - су гам - хо - р/у/ кур -  
 бо - ни ту - ман. хай ё -  
 ра - мей о  
 е ра мо  
 жо на мо.

atacca

## САРАХБОРИ РОСТ

Рост мақомининг ашула бўлими ҳам Сарахбор туркуми билан бошланади. Сарахбори Рост барча Сарахборлар сингари вазмин, оғир куй ҳаракатига эга. Сарахбори Рост туркумида оҳанг тузилишидаги ўзига хослик шундан иборатки, ушбу шўъбада тўртта намуд бирин-кетин ижро этилади.

Мақомлар номланишида уларни қайси доира усулида ижро этилиши аҳамиятли. Одатда мақом туркумининг номи унинг қандай доира усулида ижро этилиши ва қайси мақом (лад)га тегишли эканидан далолат беради. Масалан, Сарахбори Рост<sup>15</sup> туркумининг номланишида Сарахбор – усул (ритм) номи, Рост – Рост мақомига тегишли эканини англатмоқда.

Сарахбори Бузрукни таҳлил этишда айтиб ўтганимиздек, шўъба<sup>16</sup>ларнинг куй тузилмалари асар ижро этиладиган ғазал матнидаги байтлар (икки мисра) орқали ажратилади. Мақом санъатида ҳар икки мисра – бир хат деб юритилади. Мазкур шўъба шоир Муниснинг “этиб” радифли ғазали билан ижро этилган. “Ғазалнинг биринчи байти матлаъ (арабча “бошланма”, “чиқиш”) деб аталиб, ундаги мисралар ўзаро қофияланади, қолган байтлардаги жуфт мисралар матлаъга қофиядош бўлади”<sup>17</sup>. Ушбу ғазалнинг матлаъ қисми Сарахбори Ростда биринчи хат ҳисобланади. Биринчи хат – даромад деб аталади ва асарнинг бошланғич пардаларида куйланади.

Мисол:

*Қилди кўзум қаро мени ғам тийра ҳол этиб,*

*Хуршеддек ёрут ани арзи жамол этиб.*

Ушбу ғазал ишқ мавзусидаги ғазаллар сирасига кириб, дастлабки байтнинг баёни куйидагича: Мазкур байтнинг биринчи мисрасида маъшуканинг ҳижронидан ошиқ ҳоли тийра (ҳира, қоронғу) бўлгани ва шу сабабдан кўзлари қора рангдалиги ифодаланган. Иккинчи мисрада эса шоир ёрнинг жамолини куёшга таққослаб, қаро бўлган кўзларини ана шу ёруғлик билан нурафшон қилишини сўрамоқда. Шунингдек, хонандалар томонидан куйланган сўзсиз (ҳанг) ижронинг ошиқ дардини кўрсатиб бераётганлиги асар маҳобатини янада оширади. Юқорида айтиб ўтганимиздек мазкур байт асарнинг

<sup>15</sup> Шашмақом ўзбек ва тожик халқларининг номоддий маданий мероси бўлганлиги учун, мақомлар тожик тилида қандай аталса, шундай номлаш одат тусига кирган. Шундай бўлса-да, мақомларнинг номини ўзбек тилига ўгириб айтиш ҳам хато ҳисобланмайди. Мисол учун, Сарахбори Рост – ўзбек тилида Рост Сарахбори деб юритилади.

<sup>16</sup> Шўъба – арабча “қисм”, “тармоқ” деган маънони англатади. Мақом истилоҳида шўъбалар мақомларни ташкил этувчи асосий қисмлар демакдир.

<sup>17</sup> Сафо Матжон, Шарофжон Сариев. Ўзбек адабиёти. Тошкент.: 2009. 34-бет.

даромад қисми бўлиб, шўъбалар тузилишида даромад қисмидан сўнг миёнхат қисми ижро этилади. Сарахбори Ростда миёнхат куйидаги байтда келади:

*Мардумларим юзига ёпиштиму ё магар,  
Машшота зеб берди мунга ани хол этиб.*

Ушбу байтда ошиқ: “Мардум”, яъни кўз қорачиғи ёрнинг юзига ёпишдимми? Ёки машшота<sup>18</sup> улардан хол ясаб, маъшуканинг юзларига оро бердимикан?” – демоқчи бўлган. Байтда шоир муболаға санъатидан оқилона фойдаланган ва ўзининг маъшуқага кўп термулганидан кўз қорачиқлари ёр юзида холга айланаётганини хайрат билан ифодалаган. Айниқса, ижродаги ҳангларнинг (сўзсиз ижро) аёллар томонидан куйланганлиги ошиқ дардини юксак даражада тафаккур қилишга имконият яратади.

Кейинги байт ҳам асарнинг ўрта пардаларида ижро этилади яъни, миёнхат кейинги хатда ҳам давом этади:

*Жисмим гаминг тоши била кўйингда бўлди гард,  
Қил сарфароз гоҳи ани поймол этиб.*

Байтда ошиқнинг бутун вужуди ёрнинг ишқида ғам билан тўлиб, чанг (гард) бўлиб кетганлиги, энди у чангни оёқлари билан топтаб – чангитиб, гоҳ-гоҳида баландларга кўтариб, ошиқ жисмини сарафроз этиши шоирона ифодаланган. Бу мисралар ижродаги ҳанглар орқали яна ҳам жозибали кўринади. Айниқса, сўзсиз ижронинг бошқа шўъбаларда ҳам учрайдиган машҳур куй оҳангидан фойдаланилганлиги, ошиқнинг сўз билан ифода этиб бўлмайдиган ички туйғуларини очиб беради.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Сарахбори Рост шўъбасида Дунаsr қисми кўзга ташланмайди. Яъни асарнинг даромад қисмидаги куй жумласи бир октава юқори пардаларда такрор ижро этилмайди. Баъзан намудлар мақомларда Дунаsr қисми сифатида ижро этилади. Мазкур шўъбада ҳам шундай ҳолат кузатилиб, Миёнхат жумласидан кейин дастлаб чолғучилар ансамбли, сўнг хонандалар томонидан Сегоҳ намуди ижро этилади:

*Ишқимни айла тарк дединг, мақсадинг недур?  
Мундоғ мени мукаллафи амри маҳол этиб.*

---

<sup>18</sup> Машшота – зеб берувчи, пардозчи.

Байтнинг маъноси шундай: сен менга ишқимни тарк айла дейсан, менга бундай мушкул, ҳеч бир мукаллаф<sup>19</sup> бажара олмайдиган амрни беришингдан мақсад нима? Шоир ушбу байтда маъшуқа берган топшириқни бажара олмаслигини билгани ҳолда ёрнинг амридан таажжубланиб, “мақсадинг не?” дея ёлвориб мурожаат қилмоқда.

Мазкур мисралар сўнгида ҳанглар ижро этилиши байтнинг яна ҳам ёрқинроқ ифодаланишига олиб келади. Юқоридаги байт Сегоҳ намуди оҳангларида дардли куйлангач, худди шу байт такроран Ушшоқ намудида ижро этилади. Бу хусусият байтнинг маъносини тингловчига аниқроқ етиб боришига хизмат қилади.

Ҳар бир намуд маълум шўъбанинг бошланиш куй жумласидан олиниб, намуднинг номи қайси шўъбадан олинганлигидан далолат беради. “Масалан, Намуди Ушшоқ – Насри Ушшоқдан, намуди Дугоҳ – Дугоҳи Ҳусайнидан, Намуди Ораз – Орази Наводан, Намуди Сегоҳ – Насри Сегоҳдан, Намуди Баёт – Насри Баётдан, Намуди Уззол – Насри Уззолдан, намуди Муҳаяри Чоргоҳ – Насри Чоргоҳдан олинганлиги маълум”<sup>20</sup>.

Сарахбори Рост шўъбасидаги Сегоҳ намуди “Насри Сегоҳ”нинг бошланиш куй жумласидан олинганлиги учун ҳам намудга Сегоҳ номи берилган. Намуди Ушшоқ ҳақида ҳам шундай фикр юритиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Сарахбори Ростда Сегоҳ ва Ушшоқ намудларининг сўз матни бир хил, яъни бир байтда ижро этилади. Бир байтнинг икки хил оҳангда ижро этилиши ошиқ дардини ифодалаш билан бирга, сўзнинг кўзга ташланмайдиган маъноларини очиб беришга хизмат қилади.

Ушшоқ намудидан сўнг тингловчи учун илғаб олиш осон бўлган намуд: Уззол намуди янграйди. Ушбу намудда “Уззол” сўзининг маъносидан келиб чиқиб, куй оҳангида “пастга сакраш” кузатилади. Бу куй жумласи қуйидаги байт билан ижро этилган:

*Бер файзи шоми ийд қошинг аксидин манга,*

*Ёқут ранг май шафақида ҳилол этиб.*

Мазкур байтда шоир ташбех санъатидан усталик билан фойдалангани ҳолда ёрнинг қошини ярим ойга ўхшатмоқда. Одамлар байрам (ийд) кунини ой чиқишига қараб белгилаганлари каби ошиқ учун ҳам ёрнинг қошини кўрган вақтдан бошлаб,

<sup>19</sup> Болалик ёшидан ўтиб, эркак ва аёллик давридаги ҳар бир мусулмон киши (Ислом динига эътикод қилувчи) – мукаллаф ҳисобланади.

<sup>20</sup> Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. Санъат. –Тошкент.: 2006. Б- 183

байрам бошланишини тушунтирмакда. Ижрода эса иккинчи мисрадаги оҳанг баланд пардада куйлангани маъшуқа жамолини кўришга муштоқ ошиқ ҳолатини тасвирлайди.

Юқоридаги байт ҳам такроран, яна бир бор куйланиб, энг чиройли намуд ҳисобланган Мухаяри Чоргоҳ намудида ижро этилади.

Кейинги байтнинг биринчи мисраси Сарахбори Ростнинг энг юқори пардаларида ижро этилиб – авж ҳисобланади.

Авж:

*Топдим муҳаббат аҳли аро сурх рўйлиг...*

Иккинчи мисра эса аста-секинлик билан ўрта пардаларда куйланиб, оҳанг асарнинг бошланиш пардалари томон ҳаракатланади.

*Қонлиг сиршик чеҳраи зардимни ол этиб.*

Мазкур икки мисранинг яхлит мазмуни бундай: Кўзимнинг қонли ёшларидан сариқ юзларим қизил тусга кирди ва муҳаббат аҳли орасида қизил юзлик бўлдим.

Сўнги байт эса Фурувард – туширим қисми ҳисобланади ва бошланғич пардада яқунланади.

Фурувард:

*Мунисга ҳар неча гами ҳажринг ҳужум этар,*

*Дафъ айлар они ёди нишоти висол этиб.*

Фурувардда куйланадиган байтда шоир ўзининг ошиқлик даражасига нисбат беради ва: Хижроннинг гами Мунисга ҳар қанча ҳужум қилмасин, бу ғамларни дафъ этади. Чунки унда (ошиқда) сенинг васлингни ёд этишдан оладиган завқ ва куч бор, дейди.


Сарахбори Рост шўъбаси куйлангач, кейинги асосий шўъбага ўтишдан аввал тароналар ижро этилади.

Сарахбори Ростнинг биринчи таронаси Фурқатнинг “Менинг” радибли ғазали билан ижро этилади. Ушбу таронанинг доира усулини турлича ижро этиш мумкин. Қуйида келтириладиган доира усули нотацияси икки манбага асосан ноталаштирилди. Биринчиси, Юнус Ражабий тўплаб, ноталаштирган олти жилдлик Шашмақом (Тошкент, 1966-1975) китобида берилган намуна. Иккинчиси, Ўзбекистон Радиоси ҳузурида Юнус Ражабий раҳбарлигида 1959-йилда ташкил этилган мақом ансамбли томонидан ижро этилиб, грампластинкаларга ёзилган аудиоёзув. Иккала манба солиштирилиб, доира усули имкон даражасида амалий ижро йўлига мос қилиб ёзилди. Мазкур тарона

бошланишида доира усулининг бешинчи ва олтинчи тактлари тушириб қолдирилади. Лекин кейинги жумлаларда усулга тўлиқ тушиб ижро этилган.

Мисол:

**1- тарона.** Унинг доира усули:



**3- тарона.** Унинг доира усули:



*Жафосин чекмайин бўлмас муяссар санга, жаноним,  
Юракка дарди тегмай, таъсир этмас оху афгоним.  
Қошинг бир гамзаси то тўқдики ушшоқ-қонини,  
Кўзин майдонида саф-саф томошо қилди мижгонинг.  
Увайсий, ёда кўрсатмай хижо бўлган таалуқот  
Аларни зарқ этар тўфон ўлуб бу чашми гирёнинг.*

Сарахбори Ростнинг тўртинчи таронаси ҳамда супориш<sup>21</sup> и тожик тилидаги шеърлар билан куйланган. Шашмақомдаги мақомларнинг сўз матнлари орасида форс-тожик тилидаги шеърларнинг мавжудлиги ушбу дурдона асарлар мажмуи икки халқнинг: Ўзбек ва тожик халқларининг номоддий-маданий мероси эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари, устоз ҳофизлар мақомларни ижро этишда даврадаги тингловчиларга ҳам эътибор берганлар. Уларнинг таъби ва савиясига қараб, мақомларни шеърини вазни бир хил бўлган бир неча ғазаллар билан ҳам ижро этишган. “Ўзбекча ғазаллар танланганида Навоий, Фузулий, Хувайдо, Машраб, Амирий, Муҳаййир каби шоирларнинг ғазалларидан кўпроқ фойдаланиларди. Хоразмда эса Мунис ва Огаҳийнинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари мақом ҳофизлари репертуарида катта ўрин тутарди”<sup>22</sup>.

**4- тарона.** Унинг доира усули:




*Пеши ки равам назди ки равам,  
Аз баски дилам сийи ту бошад.  
Аз нозу ситам васли ту ба ман авло-авло,  
Рўят бинамо то гул руяд саҳро-саҳро.  
Оташ ба дарун, синаам хирмон-хирмон,  
Хунобаи хар ду дидаам дарё-дарё.*

<sup>21</sup> Супориш – топширув. Мақомларнинг асосий шўъбалари якунида, кейинги асосий шўъбанинг куй тузилишига ўтиш учун восита вазифасини бажаради.

<sup>22</sup> Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. –Т.: Санъат. 2006. Б- 210

Тўртинчи тарона ижро этилгандан сўнг, доира усули ўзгариб, супориш қисми Талқин доира усулида куйланади ва Сарахбори Рост шўъбаси яқунланади. Кейинги туркум – Талқини Ушшоқ, яъни талқин доира усулида ижро этилгани учун супориш қисми ҳам ана шу доира усулида ижро этилган.

Супориш:



*Тарки хома кардему қаландар гаити*

*Маро дар ёб хай дўст-хай дўст*

*Шодийи дили ёрон боғ диги дўст*

*Дил аз чаро канам ки*

*Хулқи ту накўст ту*

*Ман туро садқа.*

# САРАХБОРИ РОСТ

М. М.  $\text{♩} = 63$

Қил - ди қў -  
зум қа - ро ме - ни ғам тий - ра ҳол э - тиб,  
хур - шел - лек ё - рут а -  
ни ар - зи жв - мол э - тиб,  
Мар - дум - ла - рин ю - зи - га ё -  
пуш ти - му. ма - гар, Маш -

шо - та зеб бер - ди мун - га о - ни  
 хол э - тиб. 3  
 жо ни мо Жис -  
 мим га - минг то - ши би - ла ку - яинг - да  
 бул - ди гард. о о  
 қил сар - фа - роз го - хи а -  
 ни по - ян - мол э - тиб. о  
 оя жо ни мо о  
 о о о о жо

ней о  
 жо ним о IV.  
 Иш-ким ни ай-ла тврке-динг,  
 мак-са-динг не-дур? Муу-дог не-  
 ни му-кад-ла-фи ам-ри ма-хол а-  
 тно.  
 жо ни  
 мо

жо - ним  
 Иш - ким - ни ай - ла тарк де - динг, мақ - са -  
 динг не - дур? о Мун - дог ме -  
 ни му - кал - ла - фи ам - ри ма -  
 хол э - тиб.  
 VI 1.  
 Бер фай - зи шо - ми илд қо - шинг  
 ак - си - дин ман - га,  
 кү - ли ранг май ша - фо - ки да хи -  
 лол э - тиб. о хо,  
 Бер

фая - зи шо - ми няд та - ко - шниг ак - си -  
 дни ма - нга, е - кут раиг  
 мая шв - фо - ки да хи - дол э - тиб.  
 о е - ра - мя VII.  
 1. Топ - дни му -  
 хаб - бат ах - ли а - ро сур хи  
 руди - лиг, о о  
 е - ра - мя Кон - лиг си -  
 ришк чех - ра - и зар - дим - ни ол э -  
 тиб о  
 о

VIII 1

ре Му - нис - га хар не - ча га - ми  
 хвж - ринг ху - жум э - гар,  
 дафъ ай - лар  
 о - ни е - ди - ни шо - ти ви - сол э -  
 тиб. о о о  
 о жо - ним мо. атасса

ТАРОНА I

M.M.  $\text{♩} = 104-109$

Сарахбори Сегоҳнинг куй оҳанги ўта мунгли бўлиб, мазкур мақом пардалари асосида жуда кўп ашула ва чолғу йўллари яратилган. “Сегоҳ”ни юқорида айтиб ўтдик. Бундан ташқари “Гиря” III, “Илғор”, “Тулузорим”, “Фигон”, “Нимчўпоний” ашулалари, “Мушқилоти Сегоҳ” куйи шулар жумласидандир. Сегоҳ йўлларида Ўзбекистон композиторлари ҳам баракали фойдаланишган. Масалан, Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг “Лайли ва Мажнун” операси, Ю.Ражабий ва Б.Надеждиннинг ҳамда С.Бобоевнинг “Сегоҳ” симфоник поэмалари, М.Тожиевнинг учинчи ва Т.Курбоновнинг бешинчи симфониялари ва бошқалар. Умуман олганда, Сегоҳ оҳанги жуда машҳур куй йўлларида биридир.

Сегоҳ мақомининг ашула бўлимини Сарахбори Сегоҳ туркуми бошлаб беради. Мазкур туркум олтита тарона ва супоришдан иборат бўлиб, ижро йўли мураккаб, куй

---

<sup>33</sup> Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2004. Б- 558.

тузилиши ҳам ўзига ҳосдир. Ушбу туркумни ижро этиш учун хонандадан кенг диапазонга эга овоз (икки октавадан юқори), профессионал ёндашув ва махорат талаб этилади. Шу сабабли, Сарахбори Сегоҳни туркум тарзида яккахон ижро этиш ҳолатлари кам учрайди. Бугунги кундаги мақом хонандалари ичида Очилбек Матчонов мазкур шўъбани тўлиқ шаклда маъромига етказиб ижро этган.

Сарахбори Сегоҳ Навоий ҳазратларининг “Қилдилар” радифли ғазали билан ижро этилади. Асар чолғу муқаддимидан сўнг, даромад қисми билан бошланади.

Биринчи хат (даромад қисми):

*Бағримни тиғи ҳажр ила юз пора қилдилар,*

*То ёр куйида мени оввора қилдилар.*

Яъни, Ёр кўчасидан мени ҳайдадилар, бу билан, яъни ҳижрон тиғи бирлан бағримни юз бўлакларга бўлдилар. Мазкур байтнинг пардалари асарни бошланғич пардаларидир. Биринчи хат ҳанглар билан ижро этилиб, иккинчи хатга уланади. Иккинчи хат эса, асарнинг ўрта пардаларида ижро этилиб, миёнхат қисми ҳисобланади:

*Буткудек эрди васл ила кўнглум жароҳати,*

*Ҳижрон қиличи бирла яна ёра қилдилар.*

Байт мазмуни: Ниятим ёрим висоли бирла бу жароҳатни (биринчи байтнинг биринчи мисрасида ҳижрон тиғи билан шоир бағри жароҳатлангани ифодаланган эди) даволаш эди. Устига, яна ҳижрон қиличи билан баттарроқ жароҳатладилар. Ушбу байт ҳам ҳанглар воситасида давом эттирилиб, кейинги қисм ижросига чолғучилар ансамбли орқали ўтилади. Кейинги қисм Даромад куй йўлини бир октава юқоридаги такрори билан бошланган – Дунаsr қисми бўлиши билан бирга, Намуди Сегоҳ деб ҳам аталади. Мазкур қисм ҳам иккинчи байтнинг сўзлари билан ижро этилиб, учинчи байтда ҳам давом этади.

Учинчи байт, тўртинчи хат (Намуди Сегоҳнинг давоми):

*Мазмуни ўлмаку, ани ҳижрон гами дегай,*

*Юз минг жафони жонима якбора қилдилар.*

Байтнинг мазмуни: “Аслида, ҳижрон менингдек ошиқ учун ўлим деган сўз. Шуни билганлари учун, юз минг жафога тенг бўлган ҳижрон жафосини менга рўбаро қилдилар”. Ушбу байт ҳам сўзсиз ижро билан давом эттирилиб, созандалар ансамбли ижросидан сўнг, кейинги байт куйланади.

Навбатдаги байт билан ижро этилган қисм асарнинг тўртинчи байти бўлиб, Наво Намуди ҳисобланади. Наво намуди:

*Тургон ёшим оқиздилар ул ой фироқида,  
Собитларимни кавкаби сайёра қилдилар.*

Фироқ аламидан кўз ёшларим сайёралар янглиғ уча бошладилар. Бу шунга ўхшайдики, кишининг бахт юлдузи агар кимирламай собит турса, у ғаму-кулфатлардан омонда бўлади. Лекин, энди менинг бахтим юлдузларим собит эмас, улар беқарор ҳолатда учиб, ноъмалумликлар қаърига йўл олди. Ушбу қисмда Наво намудини ним парда (маълум тонни онгли равишда, чорак улушичалик пастроқ ёки, баландроқ куйлаш)лар билан безаб ижро этилгани байтнинг мазмунидаги дардни тўлақонли етказиб бера олган.

Наво намудидан сўнг, Ораз намуди ижро этилади. Асарнинг энг юқори пардаси ҳам шу қисмда ижро қилинган. Ораз намуди:

*Май тутки, жом давридин ўқ топдилар илож,  
Жамъики, чарх даврини наззора қилдилар.*

Яъни: “Бу ёлғончи дунёнинг ғаму кулфатларидан қутулиш йўллари излаган донишманд-мунажжимлар (фалакиёт олимлари) бутун фалак даврларини, толеъ буржларини текшириб чиқиб, шундай хулосага келдиларки, бу ғамларнинг давоси фақат май бўлиши мумкин. Шунинг учун май жомининг даври (айланасидан)данок бу муаммони ечиб қўя қолдилар. Шу сабабли менга ҳам май узат. Охирги чора шу”. Бу ерда ҳам мазмун ғоят гўзал ва шоирона усталик билан ифодаланган. Мазкур байт такроран ижро этилиб, куй юқоридан пастга томон ҳаракатланади ва сўнгги байтга уланиб кетади. Сўнгги байт Фурувард – туширим, қисми ҳисобланиб, оҳанг бироз кўтарилиб сўнг пастга, бошланғич пардага қайтади. Фурувард:

*Ёраб не дий аларники, мискин Навоий,  
Беҳушу, ақлу, бедилу бечора қилдилар.*

“Ёраб, менинг бошимга мунча кўргуликларни солган кимсаларни ким деб аташ мумкин. Ёр кўчасидан ҳайдаш билан мен бечорани ҳам ақлу-ҳушдан, ҳам кўнгулдан жудо қилиб, бутунлай чорасиз аҳволга солдилар”.

Ханглар орқали секин-асталик билан шўъба яқунланади.

Асосий шўъба яқунлангач, бирин-кетин тароналар ижро этилади. Дастлабки тарона Хожаназар Хувайдонинг “менинг” радифли ғазали билан куйланган.

**1-тарона.** Унинг доира усули: соддалаштирилган




Ногаҳон гулзор аро ёрим менинг,  
 Сайр айлаб кирса дилдорим менинг.  
 Десалар, ёринг юзи монанди гул,  
 Ушбу сўздин келгуси орим менинг.  
 Эмди ул маҳ ишқи бирла бўлди дер,  
 Бул Хувайдо йиғламоқ корим менинг.  
**2-тарона.** Унинг доира усули:



**Тожик халқ сўзи**

Ул шаъми жамол  
 Э ўтига, вай, вай,  
 Парвоналигим,  
 Ёр, масти ту ман.  
 Бозоки дилаш  
 Э аз пайи, вай, вай,  
 Озораи маст,  
 Ёр, масти ту ман.  
 Ширин лабаи  
 Э аз пайи, вай, вай,  
 Хун хораи маст,  
 Ёр, масти ту ман.  
 Дар роҳи вафо  
 Э ҳамиша, вай, вай,  
 Побастии ту ман,  
 Ғамхори ту ман,  
 Шайдойи ту ман.

**3-тарона.** Унинг доира усули:



**Фазлий ғазали**

Қила бошладинг манга зулми ким,

*Ситам этди жабру жафоларинг.*

*Ки вафога ваъда айлабон,*

*Қани ваъдаларга вафоларинг.*

*Руҳима гўзал хати мушк осо,*

*Лаби лаъли нуктаи жон физо,*

*Кўзи, қоши ҳам бири хуш адо,*

*Мени ўртади шу балоларинг.*

*Менга нози қилди тагофилинг*

*Дилу жон дуога югурдилар,*

*Кўз учи билан қарадинг кулиб,*

*Талабига етти гадоларинг.*

*Неча йил кўнгул, кечалар фижон*

*Қилиб ўтайин ани кўйида,*

*Дили тош экан, асар айламас,*

*Бу фижон ила бу наволаринг.*

**4-гарона.** Унинг доира усули:



**Навоий ғазали**

*Май бирла юзинг тим-тим аҳмарму экан оё?*

*Ё шуъла аро бир-бир аҳгарму экан оё?*


*Ҳар сори қулогингда гавҳарму экан ёхуд,*

*Ҳар жонибида ойнинг ахтарму экан оё?*

*Эл деса Навоийни ким ким жавр ила тарк этти,*

*Ишқингни, сенга бу сўз боварму экан оё?*

**5-гарона.** Унинг доира усули:



**Халқ сўзи**

*Суқсур деган қуш бўлур,*

*Тортсам пати бўш бўлур.*

*Ёр олдига борганда,*

*Йигит кўнгли хуш бўлур.*



# САРАХБОРИ СЕГОҲ

М.М. № 63-66 II.

1.  
Бағ -

рим - ни ти - ги ҳажр и - ла юз


по - ра қил - ди лар, о

2.  
то ё - ри қў - йи - ди

ме - ни о - во - ра қил - ди -



Бут кулек эгди вагди мала,  
 Кунг лум жа рохати,  
 Хиж рон қилчи бир ла я  
 на е ра қилди лар.  
 Маз му ни ва ма  
 ку о ти хиж рон га чи др  
 гаи, ер е  
 рея, о с



ё - ра - мо . Юз минг жа -



фо - ни жо - ни ма як - бо - ра



қил - ди - лар . О о



IV.



Тур - гон ё - шим о - қиз - ди лар ул




оя фи - ро - қи - да , со - бит - ла -




рим - ни кав - ка - би сай - ё - ра қил - ди -



лар . О о



О о



Воъ - из у - ни су - руд э - рур



аш - го - ли ай - ши - га ,

Қис - мат ку - йни да  
 о - ин - ки май - хо - ра қил - ди -  
 лар О - е - ре  
 Жо - ним  
 Май тут - ки жом  
 да - ри - ни ўқ топ - ти - лар и  
 лож о - Жамъ - и - ки  
 чарх дав - ри - ни наз - зо - ра  
 қил - ди - лар

VIII.

Е - раб, не дна а - лар - ни - ки,  
 мис - кин На - во - ия - ни

Безу - шу ақ - лу,  
 бе - ди - лу бе - чо - ра қил - ди - лар.

Хай жо - ни - мо

*ritacco*

М.М. ♩ = 84-86  
 ТАРОНА I.

Но га - хон  
 гуа - зор а - ро ё - рим ме - нинг,  
 сэй - ри ай - лаб кир - сз дил до -  
 рим ме - нинг, Де - сз лар, ё - ринг ю - эи  
 мо - нан - ди гуа, уш бу  
 гуа - лни кел - гу - си о - рим ме -  
 нинг, Эи - ди уа маҳ иш - қи бир -  
 ла буа - ди дер, Буа Ху -  
 вайдо йиғ - ла - моқ ко - рим ме - нинг, *allassa*

М.М. ♩ = 84-86  
 ТАРОНА II.

Уа шаъ - ми жа - мол,  
 уа шаъ - ми жа - мол, уа шаъ - ми жа - мол,

э у - ти - га, вай, вай, пар - во - на ли - гим, пар -  
 во - на ли - гим, пар - во - на ли - гим, пар -  
 во - на ли - гим, ёр мас - ти ту - ман, Бо - зо - ки ди -  
 лаш, бо - зо - ки ди - лаш, бо - зо - ки ди - лаш,  
 э аз по - ли, вай, вай, о - зо - ра - и маст, о -  
 зо - ра - и маст, о - зо - ра - и маст, о -  
 зо - ра - и маст, ёр мас - ти ту - ман, Ши - ри - ни ла -  
 бош, ши - ри - ни ла - бош, ши - ри - ни ла - бош, э аз по - ли  
 вай, вай, хун - хо - ра - и маст, хун - хо - ра - и маст, хун -  
 хо - ра - и маст, хун - хо - ра - и маст, ёр мас - ти ту -  
 ман, Дар - ро - хи ва - фо, дар - ро - хи ва - фо, дар - ро - хи ва -  
 фо, э ха - ми - ша вай, вай, по - бас - ти ту - ман гам -

хо - ри ту - ман, шай - до - йи ту - ман, гам -

хо - ри ту - ман, шай - до - йи ту - ман. *attaca*

ГАРОНА *iii.*

М.М.  $\text{♩} = 88-92$

Қи - ла бош - ла - динг

мен\_га зул\_ми\_ким, си\_там эт - ди жаб -

ру жа\_фо - ла - ринг, Ки ва\_фо\_га ваъ -

да\_лар ай - ла\_бон, қа\_ни ваъ - да\_лар -

га ва\_фо - ла\_ринг, Ру\_ҳи\_ма гу\_зэл

ха\_ти муш\_ки\_со, ла\_би лаъ - ли нук -

та\_и жон\_фа\_зо, кў\_зу қо - ши ҳам

би\_ри жуш\_а\_до, ме\_ни ур - та\_ди

шу\_ба\_до - ла\_ринг, Мен\_га но\_зи\_қил\_.

ди та-го-фи-линг, Ди-лу жон ду-о га ю-гурчи-лар,  
 кўз у-чи би-дан қя-ра-динг ку-либ  
 та-ла-би-га ет-ти га-до-ла-ринг.  
 Не-ча йил кўн-гул, не-ча-лар фи-гон,  
 қи-либ у-та-йил а-ни кўй-и-да,  
 Ди-ли тош э-кан а-сар ай-ла-мас,  
 Бу фи-гон и-ла бу на-во-ла-ринг.  
 Е-рим, ёр, ял-ла-ла-ло, ял-ла-ли-  
 дуст, жоним ёр ял-ла-ла-ло, ял-ла-ли дуст. *attacca*

ТАРОНА IV

М.М.  $\text{♩} = 92$

Май бир-ла ю-зинг тим-  
 тим э-рей.

Май бир-ла ю-энг тим-тим е-рей  
 ах-мар-му э-кан о-е  
 е-шуь-ла а-ро бир-бир, е-рей,  
 ах-гар-му э-кан о-е.  
 Хар со-ри ку-ло-гннг-да, е-рей,  
 гов-хар-му э-кан, е-худ,  
 хар жо-ни би-да ой-нинг,  
 ах-гар-му э-кан о-е.  
 Эл де-са На-во-ий-ни, е-рей,  
 ким жавр-и-ла тарк-эт-ти е-рей,  
 Иш-қинг-ни сен-га, бу-суа е-рей,  
 бо-вар-му э-кан о-е *attacca*

ТАРОНА V

M.M.  $\text{♩} = 96$

Сух - сур де - ган  
 қуш бұ - лур, Торғам па - ти бұш бұ - лур,  
 Ер ол - ди - га бор - ган - да - ғ,  
 Йи - гит күй - ли хуш бұ - лур,  
 Сұя о - қар тош ус - ти - да, сал - ла - си  
 қош ус - ти - да, Сұй - га - ним әс - га  
 туш - ган - да - ғ йи - дай - ман ош  
 ус - ти - да, Э - ши - гимг - дан  
 ұт - ган - да Лай - ли бұа - динг - ми, ғ -  
 рим се - ни ер деб айт - ган - да - ғ  
 ха - фе бұа - динг - ми, ғ - рим. *attacca*

ТАРОНА VI

М.М.  $\text{♩} = 100-104$

Гам - за би-лан, гам - за

би - лан о - либ жо - ным, у - сар

қо - ра зуа - финг се - ни, Са - бо

тон - ги на - си ми - дин у - сар

қа - ро зуа - финг се - ни. Е - зил - сам

ёр - нинг бо - ги - да. Қишда - сам

күк - си то - ги - да, су - хи - лам

са - ҳар чо - ги - да - ё у - сар

қа - ро зуа - финг се - ни. Тонг юа -

ду - зи пор - лаб, пор - лаб, Шо - на

би - лам зуа - финг та - раб, тонг св - ҳар -

лар - ла яа - ти - раб уа - нар

қа - ро кү - зинг се - ни, *сипориш*

сад - қа сад - қа, сад - қа ша - вам, эй, боз чаш -

мо - ни ту - ро, лад - ли се - ро - би ту -

ро, зуа - фи пур - чи - ни ту - ро,

сад - қа, сад - қа, сад - қа ша - вам, эй, боз чаш -

мо - ни ту - ро, сад - қа. *attaca*

## САРАХБОРИ ИРОҚ

Шашмақомнинг сўнги, олтинчи мақоми Ироқ мақомидир. Унинг таркибидаги чолғу ва ашула йўллари ўта мураккаб оҳанг тузилишига эга. Ироқ – яқин шарқдаги қадимий мамлакат номи бўлиб, мақом санъатида ашула ёки чолғу куйларини мамлакатлар, турли шаҳар ва водий номлари билан аташ одатий ҳолга айланган. Мақомдон олим Исҳоқ Ражабовнинг “Мақом асослари” ўқув қўлланмасида ана шундай номланган асарлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилган. “Шарқ халқлари мумтоз мусиқа асарлари, хусусан, кўпчилик мақом йўллари машҳур мамлакатлар, шаҳар ва водийлар, турли халқлар ҳамда бастакорлар номи билан аталиб келинган”<sup>34</sup>. Атоқли олим кейинги жумлада шундай мақом йўлларининг номларини санаб ўтади. Мазкур номлардан айримларини қисқа изоҳлар билан келтирамиз: **Ҳижоз** – ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудидаги Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган водий номи. Шу билан бирга, Ҳижоз Ўн икки мақом таркибидаги олтинчи мақомнинг ҳам номидир. **Исфахон** – Эроннинг марказий қисмидаги шаҳар, Ўн икки мақом таркибида ўнинчи мақомнинг номи. **Чўли Ироқ** – Ироқ мамлакатининг чўл ҳудуди. Машҳур чолғу куйининг номи. **Чўли Курд** – Курдлар яъни, Туркия, Эрон, Ироқ, Сурия ва бошқа давлатларда истиқомат қилувчи қадимий халқнинг номи, шу номли чолғу куйи. **Баёт** – қадимий туркий қабиланинг номи, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги беш қисмдан иборат мақом ашула йўли. **Ажам** – араблар араб бўлмаган халқларни шундай ном билан аташган, шу номли чолғу куйининг номи. **Мўғулча** – мўғул халқига ҳос ижро демакдир. Мўғулча атамаси мақом ижрочилигида доира усули ҳамда, Шашмақомнинг иккинчи гуруҳига кирувчи шўьбалар номини ҳам англатади. **Қашқарча** ҳам жой номи бўлиб, аниқроқ қилиб айтганда, Хитой давлатининг ғарбий қисмида жойлашган қадимий Кошғар шаҳри номидан олинган. Кошғарнинг маъноси “қош тоши (нефрит) кони” демакдир. Мазкур ҳудудда яшовчи халқнинг мусиқаси ёки доира усулига ўхшаш бўлган куй ва ашулаларга нисбатан “Қашқарча” атамаси қўлланилган. Шашмақомда Қашқарча мақом доира усулининг номи бўлиб, иккинчи гуруҳ шўьбаларининг шохобчаси саналади. **Зовулий** – Эроннинг Сеистон вилоятидаги шаҳар, Ўн икки мақом таркибидаги Исфахон мақомининг шўьбаси. **Ҳусайний** – машҳур шахснинг исми (тахмин), Ўн икки мақом таркибидаги бешинчи мақом. **Насруллоий** – бастакор-

<sup>34</sup> Исҳоқ Ражабов. Мақом асослари. Иккинчи нашр. –Тошкент.: 2019. Б- 111-112

хофизнинг исми, Шашмақомдаги Бузрук мақоми ашула бўлимининг биринчи гуруҳига кирувчи шўъба номи. Бундай номларни кўплаб келтириш мумкин. **Ироқ** мақоми ҳам ана шундай номланган мақомлардан биридир.

Ироқ мақоми Шашмақомдаги энг кичик ҳажмли мақом ҳисобланади. Бунга сабаб, мазкур мақомнинг ашула бўлимида иккинчи гуруҳ шўъбалари мавжуд эмас. Мақом таркибида иккинчи гуруҳ шўъбаларининг йўқлиги ёки, бизгача етиб келмаганлиги ҳақида олимлар турли фикрлар юритадилар. Мақомдон устозларнинг айтишларича, Ироқ мақомининг шўъбалари мураккаб куй тузилиши ва кенг овоз диапазони талаб этганлиги учун мазкур мақомнинг ашула йўллари кўпчилик хонандалар ижро эта олмаганлар. Шу сабаб туфайли, ашула бўлими бизгача тўлиқ шаклда етиб келмаган бўлиши мумкин. Ироқ мақомининг Наср бўлими Сарахбори Ироқ, Мухаяри Ироқ, Чамбари Ироқ ва Уфари Ироқ деб номланган шўъбалардан ташкил топган. Ироқ мақомидаги шўъбаларнинг куй тузилишидан илҳомланиб, кўплаб чолғу ва ашула йўллари ижод этилган. Бузрук мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбалари таркибига киритилган Ироқи Бухоро шўъбаси ҳам Сарахбори Ироқ куй йўли асосида яратилган.

Сарахбори Ироқ ашула бўлимини бошлаб берувчи биринчи шўъба бўлиб, олтига таронага эга туркум ҳисобланади. Мазкур шўъба Навоийнинг “Қилайин” радифли ғазали билан ижро этилган. Биринчи байт – мақом истилоҳида асарнинг биринчи хати ва даромад қисми деб аталади.

Биринчи хат, даромад:

*Сиришк қонин аёгинг учун хино қилайин,*

*Қабул тушса қарогим эзиб қаро қилайин.*

Мазкур байтда Навоий ҳазратлари муболаға санъатидан шоирона усталик билан фойдаланганлар. Байт мазмуни: “Одатда, гўзаллар оёқ тирноқларига оро бериш учун қизил ранг хинога бўяшади. Эй ёрим, сен хино қидириб юрма, менинг кўзларимдан ёш ўрнига қон оқади. Шу қонли ёшлардан хино ўрнида фойдалангин. Агар бу сенга маъқул бўлса, тирноқ четларини қорага бўяшинг учун, кўзимни ўяман-да, қорасини эзиб сенга тутаман. Қора ранг ўрнида шуни ишлат!”<sup>35</sup>

Кейинги хатда куй ривожини аста-секин ўрта пардалар томон ҳаракатланиб, юқорилаб боради ва асарнинг миёнхат қисми деб аталади.

Миёнхат:

---

<sup>35</sup> Ушбу ғазал мазмуни Ўзбекистон халқ хофизини Маҳмуджон Тожибоев шарҳи асосида ёритилди.

*Ақиқи лаълингга жон жавҳарин нисор айлай,*

*Саводи холингга кўз мардумин фидо қилайин.*

Байт мазмуни: “Лабинг шундайин қимматбаҳо ёқутдирки, унга жоним жавҳарини нисор қилсам оз. Холинг шундай ярашганки, кўз қорачиқларим унга фидо бўлсин!”

Учинчи хат:

*Қаро менгинг била қаддинг хаёла келса, ватан,*

*Мунга кўз ичра ясай, анга жон аро қилайин.*

Бу ерда буюк шоир шундай ҳарфий сўз ўйини санъатини қўллаганки, камдан-кам шоирларга бундай маҳорат насиб этган. Яъни “қаддинг билан қора холинг хаёлимга келса, унга кўз ичида бир ватан – ошиён ясайман-да, жонимни ўртасига жойлаштираман”. Маълумки, араб алибосига кўра “жон” сўзи “جَان” кўринишида ёзилади. Бу жим, алиф, нун ҳарфларидир. Ўртадаги “алиф”ни ёр қаддига қиёслаб, “жим”ни кўз тимсолида кўрсатиб, янги бир ҳуснихат яратаман демоқчи. Яъни “جَان”, демак, ёрнинг қаддию холи кўз ичига жойлашди. Шу билан бирга жоннинг ўртасига ёрнинг қадди жойлашди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мумтоз адабиётда ҳарф санъати қўлланилган айрим байтларда араб тили назарда тутилмайди, фақатгина арабий ҳарфлардан фойдаланилади.

Мазкур хатнинг куй ҳаракати ўзига хос. Миёнхат қисмидан кейин келадиган ушбу хатнинг оҳанги дунаسر пардаларидан ҳам юқори пардаларда куйланади. Шунинг учун бу байтни асарнинг дунаسر қисми дея олмаймиз.

Навбатдаги хат машҳур Зебо пари авжи бўлиб, ғазалнинг тўртинчи байти билан ўқилади:

*Қаддингки соя солибтур, улай анга, яъни,*

*Ки, ишқ аламин алифбедин ибтидо қилайин.*

Бу байтда ҳам ҳазрат Навоий, ҳарфий санъатнинг энг нодирларидан бирини намоён этган. Маълумки, “алам” (байроқ) сўзи арабий имлода куйидагича ёзилади: “ءلم”. Лом ҳарфини ёр қаддига қиёслаб, ишқ байроғини кўтарувчиларга алифбенинг ибтидоси деб, ифодалайди. Навбатдаги байт ҳам Зебо пари авжининг давоми ҳисобланади:

*Лабини қасдима тишлар, юзига термулсам,*

*Боқиб туриб, нега ўз жонима жафо қилайин.*

Юзига илтижо билан термулсам, лабини тишлаб ханда қилади-ю, баттар куйдиради. Ахир бу (ёр юзига термулиш) ўз жонимга қасд қилиш билан тенгку?!

Кейинги хатда Мухаяри Чоргоҳ намуди куйланади. Ушбу намуд Сарахбори Ирок шўъбасининг энг юқори пардаларида ижро этилади.

Мухаяри Чоргоҳ намуди:

*Кўнгул қушиким эрур жилвагоҳи гулшани қудс,*

*Бу домгоҳда недин они мубтало қилайин.*

Тасаввуфий ақидага биноан инсон руҳининг ҳақиқий ватани бу дунё эмас, балки Ҳақ субҳанаҳу таолонинг ҳузуридаги ўзга олам ҳисобланади. Навоий ушбу байтда: “Кўнгул қуши (яъни рух)нинг яйрайдиган жойи “Қудс гулшани” (ўзга олам) экан, неча жонларга тузоқ бўлиб турган бу дунёда уни тутиб қолишнинг мутлоқ иложи йўқ”, демоқчи.

Сўнги, еттинчи хат асарнинг фурувард қисмидир. Ушбу хатда куй ҳаракати пастлаб боради ва даромад қисмидаги бошланғич пардада яқунланади.

*Навоий, ғамим аҳли варъадин ўлмади кам,*

*Кўй энди майкада пирига илтижо қилайин.*

Байтдан бундай маъно ҳосил бўлади: “Эй Навоий, кўнглинг ғамларини кетказиш учун, зухду-тақво аҳли билан ҳамкорлик қилдинг. Лекин улардан ёруғлик чиқмади. Энди майхона томон юз бур. Зора майхона пири сенга нажот йўлини кўрсатса”. Ёш мақом ижрочилари ва хонанда ўқувчилар байт мазмунини тўғридан-тўғри тушуниб олмасликлари керак. Бу ерда тасаввуфий истилоҳлар қўлланилган. Яъни “мумтоз адабиётда май – Аллоҳнинг ишқи, майхона пири – маънавий устоз, маърифат улашувчи маъноларини англатади”<sup>36</sup>.

Асосий шўъба куйлангач, бирин-кетин тароналар ижро этилади. Сарахбори Ироқнинг биринчи таронаси Бобораҳим Машрабнинг “Дерман” радифли ғазали билан куйланган. Таронанинг доира усули ҳам мураккаб, биринчи такт 2/4 ўлчовида бошланиб, иккинчи тактда 3/4 (уч чорак) ўлчовига ўтилади ва қолган тўтр такт 2/4 ўлчовида давом этади:

**1- тарона.** Унинг доира усули:



*Ишқинг ўтидин, дилбар, ҳар дамда куйай дерман,*

*Қоним била, эй жоно, оламни бўйай дерман.*

<sup>36</sup> Сафо Матжон, Шарофжон Сариев. Ўзбек адабиёти. –Тошкент.: 2009. Б- 83





# САРАХБОРИ ИРОҚ

M.M.  $\text{♩} = 66$

1.

Си - ринш - ки қо - нин а -  
ё - ринг у - чун хи - но қи - ла -  
Яни қа - буа туш - са қа -  
ро - гим э - зиб қа - ро қи - ла -

Пин о о  
 Хай жо -  
 Пин. II. А - қи - қи лаь - лиг - са  
 Жон жав - ь. Хо - рин ни - сор ай -  
 Лай о са - по - ди хо - ли - га  
 күз мар - ду - мни фи - до қи - ла -  
 вин, о о о  
 Хай

жо - ным,  
 қа - ро мен - гинг би - ла қа -  
 динг хә - җ - ли кел - са Ва - тия муи -  
 га күз ич - ра я - сый, ан - га  
 жөн о - ро қи - ла - йни, о  
 хәв жо -  
 динг - ки со - и со - либ - тур уа ой ан -

га яъ - ня,

Ки ши - қи

ма - ми а - лиф - бе - ди иб - ти - до қи - ла -

ди. О о о

хай жо -

ним. Ла -

би - ни қас - дим - а тиш - лар ю -

зи - га тер - мул - сам, Бо -

қиб ту - риб не - че уз жо - ни -

ма жа - фо қи - ла - йми о

о о хай жо - ним кун - гул ку - ши ким э - рур жил - ва го - хи гул - ша - ни чудс, бу дом - гоҳ - да - не дни о - ни муб - та - ло қи - да - йи. е - ра - мя. На - во - ни е - ра - мм ах - ли ва - раъ - дни

Ул - ма - ди кам, о,  
 о,  
 е - ро о,  
 е - ра - дя. Куа  
 зи - ди май - ка - да ни - ри - га  
 ка - ты - жо ки - ла - яни о,  
 хай жо - ня - но. Иа -  
 до - яя о фа - ммы ах - ли ма -  
 раь - лии ул - ма - ди кем му, 180.

эп - ди май - ка - да пи - ри - га  
 на - ти - жо қи - да - йи э  
 хай жо - ним. *ritasso*

ТАРОНА I

М.М. ♩ = 96-100  
 13 (7:6)  
 4

Ишқинг у - ти дин дил - бар, с -  
 реп, ҳар дам - да ку - пй дер - мен  
 қо, ним би - ла, эй жо - ноп,

О - лам - ни бу - яй дер - ман,  
 Ю - змиг би - ла қо - шмиг - дин  
 ўз - га - ча на - зар қил - санг,  
 Хан - жар о - ли - бон қўл - ра ё - рай  
 қў - зми - ни у - яй дер - ма:  
 Миш - гол у - қи - дин, дил - бар,  
 қо - ним - ни тў - кар бўл - санг,  
 Ҳа - шамъ - и жа - мо - линг - га  
 пар - во - на бу - лаб дер - ма,  
 Маш - раб се - ни деб, дил - бар,  
 кеч - ди ик - ки о - лам - дин,



раҳм ай ла гил, эй жо но



бир ги на кў раб дер маи affassa


ТАРОНА II



Хир қам ни га раб қўя



р дин, бир ко са ша роб ав ло,



Бе маъ ни на си хат дин



Мев га ма пи ноб ав ло,



Бир сен ка би дил бар дин



кумг лум ни у зол май ман,



Сен дин бош а гар торт сам е рея



буй мин га га ноб ав ло, affassa

ТАРОНА Ш

М.М. ♩ = 92-96

А - дув - лар - дни  
қо - чиб ўз - лат аў - ли - ни тут -  
ма - сам бул - мас. ў - зим - ни  
ях - ши - лар - ни суҳ -  
ба - ти - га тут - ма - сам бул -  
мас. Бу наф - си сар -  
қа - шинг до - ни га - лат аўл -  
лар - га бош - лай - дур  
қа - но - ат - дни ю - ган со -  
люб жи - лов - дни қоқ -

мо - сам бул - мас, Жу - руж ай -  
 лаб кун - гул тах - ти -  
 га кел - са иш қи сав - до -  
 си, Ам - га пеш - каш  
 у - чун жо - ним ни ҳад - я  
 қил - ма - сам бул - мас *al fassa*

М.М.  $\text{♩} = 104$   
**ТАРОНА IV**

А - лам чек - динг  
 чу хуси ав - жи - га ю - зунг о -  
 Фи - тоб ай - лаб, У - зо - ринг  
 зар - ра - си бул - ди

лар ой, кун из - ги - роб ай -

лаб. Ба - хо қил - санг

а - гар вас - лии га жо - нии

жаб - ҳа - рий, ай шух,

Бе - рур - мен бул - са юз жо -

ни му минг - дни бир

ҳи - соб ай - лаб, Да - во - дур

шу - ши вас - лии о -

ши - ҳи маҳ - жу - ри дар - ди -

га, Да - во - ст - кур -

ки ул - миш - мен ме - ши ҳаж -



ринг ҳа-роб ай-лаб, га-ҳи Маж -



нуи ка-би Му нис ку-лар мен,



го ҳи, Янг - лал - мен, ме - ни уз



хо - ли - ма қуя - мас бу дав-рон



ми қи - лаб, ай - лаб лаб

ТАРОНА V



Куй - ди ра сан биз -



ни ур - гу - лай ё - рея



ёи - ди ра сан биз - ни,



сар - ви - ноз ё - рея Бир қу - лим -



да жо мим бор, бе - дард ёр

е - рея. Бир қў - лим - да пай - мо - на,  
 ши - ри ёр е - рея Ақ - лим - ни  
 та - мон ол - ди, сар - ви - ноз  
 е - рея шу кўз - ла - ри мас - то - на *ritasso*

М.М.  $\text{♩} = 100-104$

ТАРОНА VI

Қў - йниг - да қи - лай де - сам га - до лиғ,  
 тарк ай - ла - динг аҳ ли о - ши - но - лиғ,  
 Тарк ай - ла - динг аҳ ли о - ши - но - лиғ,  
 Бе - го - на - га ай лаб бе - го - на - га ай -  
 лаб о - ши - но лиғ, сол ма а - ро -  
 га ва ли жу до лиғ Сол ма а - ро



## **ИЛОВА**

### **САРАХБОРИ УШШОҚ**

Ушшоқ – араб тилидаги “ошиқ” сўзининг кўплик шакли, яъни “ошиқлар” деган маънони билдиради. Қадимда ишқий мавзудаги ғазаллар билан ижро этилиб, ошиқлар номидан куйланган мақомларни шундай аташган бўлса керак. Ушшоқ номи Ўн икки мақом тизимида мустақил мақом сифатида келтирилган бўлса, Шашмақомдаги Рост мақоми таркибида эса, Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Уфари Ушшоқ ва Савти Ушшоқ номли шўъбалар тарзида учрайди. Ушшоқ оҳангида жуда кўплаб ашула йўллари ижод этилган бўлиб, Қадимги Ушшоқ, Ушшоқ (“Қаро кўзум...”), Даромади Ушшоқ, Содирхон Ушшоғи, Самарқанд Ушшоғи, Қўқон Ушшоғи шулар жумласидандир. Ушшоқ оҳанглари ўзбек халқининг руҳиятига сингиб, миллий хусусиятга айланиб қолган. Шу боисдан бўлса керак, ҳофизлар-у бастакорлар ушбу куйга жуда кўп мурожаат қилганлар.

Сарахбори Ушшоқ эса, юқорида номлари санаб ўтилган ашулалардан фарқли ўлароқ, мақомларга назира шаклида ижод этилган туркумли асардир. Бизнингча, Мақом ижрочилигида назиралар мақом шўъбаларидан илҳомланиб яратилган, лекин туркумлилик ҳосил қилмаган ашулалардан фарқ қилади. Назиралар ҳам мақомлардан илҳомланиб яратилади аммо, назира ўзига асос бўлган мақом шўъбасига ўхшатиб, куй тузилиш қонуниятлари ҳам мақомга монанд, туркум тарзида, ва таъбир жоиз бўлса, мақомга тенглаша оладиган даражада ижод этилади. Назиралар Мақомлардан илҳомланиб яратилган бошқа бастакорлик намуналаридан, энг аввало, туркумлилик жиҳати билан ажралиб туради.

Назира сўзи арабча “ўхшаш” деган маънони билдириб, мумтоз адабиётда “ўхшатма” тарзида ёзиладиган шеърий жанрдир. Форс-тожик адабиётида уни “татаббуъ” (изидан бориш) деб аташади<sup>37</sup>.

Сарахбори Ушшоқ туркуми Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев томонидан мақомларга назира шаклида ишланган асардир. Асар 2014 йили Ўзбекистон

---

<sup>37</sup> Сафо Матжон, Шарофжон Сариев. Ўзбек адабиёти. –Тошкент.: 2009. Б- 40.

давлат консерваториясида талаба-хонандалар томонидан ансамбл тарзида илк маротаба ижро этилган. Созандалар ансамблига Матрасул Матёкубов, хонандалар ансамблига эса Маҳмуджон Тожибоевнинг ўзи раҳбарлик қилган.

Сарахбори Ушшоқ Навоий ҳазратларининг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги “Эй сафхайи рухсоринг...” деб бошланувчи ғазали билан ижро этилган. Мазкур асар Шашмақомнинг Рост мақомидаги шўъбалар оҳанги асосида ижод этилган. Чунки, ушбу туркумда Рост мақомига киритилган Ушшоқ пардаларидан фойдаланилган. Сарахбори Ушшоқнинг чолғу муқаддима ва биринчи хат ижросида куй оҳанги бошланғич пардадан поғонама-поғона пастлаб, кварта интервали миқдорича пастки пардага тушади, кейин яна юқорилаб, давом эттирилади. Бу хусусият Ушшоқларга хос бўлиб, мазкур мақом йўлида ижод этилган бошқа асарларда ҳам кузатилади. Масалан, Даромади Ушшоқнинг бошланишида ҳам шундай куй ҳаракати ижро этилади.

Сарахбори Ушшоқнинг биринчи хати даромад қисми бўлиб, қуйидаги байт билан ижро этилади:

*Эй, сафхайи рухсоринг азал хаттидин иншо,  
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.*

Мазкур ғазал Аллоҳнинг қудрати, марҳамати ва жалолиятини мадҳ этишга бағишланган. Ғазалда, ҳазрат Навоий тасаввуф аҳлининг мажозий рамзлари, ишоралари орқали Илоҳий ҳақиқат сирлари ҳақида сўзлайди.

Байтнинг мазмуни: Эй! Сен – рухсорининг саҳифаси азал хат (ёзув)ларидан иншо бўлган! Ҳуснинг бошланишида абад нуқтаси туғро (байроқ), яъни жамоли-боқамол гўзаллигининг бошланишидаёқ абадийлик белгиси мужассамдир. Навоий ушбу ғазални Аллоҳнинг азалийлик ва абадий сифатларини таъриф этиш билан бошлайди. Унинг сифатлари, Зоти ҳақида тасаввур қилишга банданинг ақли ожиздир. Унинг бандалиги ҳам шу ожизлигини тан олишдадир. Агар бу хусусида чуқурлашса, шак-шубҳасиз адашади (Аллоҳ паноҳ берсин!). Аллоҳнинг ҳусни, жамоли, Унинг мавжудлиги, воҳидлиги шу қадар улкан ва тасвирга сиғмаски, буни банда англаб, ўрганиб ета олмайди. “Сафхайи рухсор”, “азал хатти”дан мурод ана шу ҳақиқатга ишорадир. Шу боисдан, шоир Яратганнинг ҳусни-жамоли банда биладиган дунёвий маромлардан юқори ва у даражани фақат Ўзининг иродаси билангина тушуниш мумкинлигини таъкидламоқда. Яъни, азалий ҳам, абадий зот ҳам Ўзидир. Бошланиши йўқ ва охири

йўқ. Аввалдан бор эди, бундан кейин ҳам бўлади. У замон ва макондан ҳоли. Ҳазрат Навоий ана шунга ишора қилганлар.

Кейинги байт ҳам даромад қисмининг давоми бўлиб, бу хатда ҳам куй оҳангида Ушшоқларга ҳос пастлаб-юқорилаш ҳаракати кузатилади.

Иккинчи хат:

*Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,  
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.*

Иккинчи хатдаги байтнинг мазмуни: Жамики зарралар борки, сени зиқир қилгувчидир, амтор (ёмғир)нинг ҳар қатра (томчи)си ҳам сенга ҳамд айтиб тушади. Ушбу хат сўзсиз оҳанглар билан давом этирилиб, чолғучилар ижроси орқали кейинги хатга ўтилади. Кейинги хат Миёнхат бўлиб, куй ўрта пардалар томон ҳаракатланади.

Миёнхат:

*Машиотайи сунъунгдурур улким, нафас ичра  
Кун кўзгусин ақшом кулидин қилди мужалло.*

Байт мазмуни: Араб тилида “машшота” – безакчи, “сунъ” – яратиш деган маънога эга бўлиб, “санъат” сўзи ҳам айнан мана шу “сунъ” сўзидан келиб чиққан. Бу икки сўз кўшилмасидан “безатиш санъати” маъноси ҳосил бўлади. Кун кўзгуси, бу – мўмин кишининг қалб кўзгуси. Тасаввуф таълимотида инсон қалби кўзгуга қиёсланади. Бу кўзгуда кун (офтоб)нинг нури акс этиши лозим. Яъни, қалб қачонки ғуборлардан тозаланса, Яратганнинг тажаллиси банданинг пок қалбида аксланади ва нур таратади. Иккинчи мисрадаги “ақшом кули” қалбдаги гуноҳ амалларга ишора. Мусулмон киши тили ва қўли билан бировга озор етказмайди лекин, чин мўмин қалб орқали ҳам гуноҳ амал қилмасликка ҳаракат қилади. Ақшом кули ана шу кўнгилдаги гуноҳлар тимсоли бўлиб, бу гуноҳлари учун мўмин янада кучлироқ тавба қилади ва натижада қалб кўзгуси яна ҳам покланади. Мужалло эса пок қалбнинг жилоланиши демакдир. Яратганнинг безатиш қудрати шундай мукамалки, мўмин қалб ўзининг гуноҳлари (гуноҳларига қилган тавбаси) билан тозаланади.

Навбатдаги хатнинг куй ҳаракати ўрта пардалардан ҳам дунаسر пардаларидан ҳам юқори ноталарда ижро этилади. Лекин бу ҳали асарнинг авж қисми эмас. Тўртинчи хат:

*Кун шакли юзинг саждасидин бўлди мушаккал,  
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.*

Байтнинг мазмуни: Кун шакли юзингга сажда қилиб шаклланди. Тун кокили қаҳринг шамолидан тиниклашди (мутарро – тозаланган<sup>38</sup>).

Бешинчи хатда ушшоқ оҳанглари якқол сезилади. Сарахбори Ушшоқнинг ўзи ушшоқ йўлидаги асар бўлганлиги учун куй жумлалари Ушшоқ намудини эслатаверади.

*Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбид  
Ким, меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.*

Мушаъбид – найрангбоз, кўзбўямачи<sup>39</sup>. Санъатинг субҳ (тонг, офтоб)ни шундай қилдики, у худди оғзидан ўт пуркаб, томоша кўрсатадиган кўзбоямачи каби бўлди. Фақат, офтоб сочадиган олов меҳр оловидир. Кейинги хатда Уззол намуди куйланади:

*Гул юзида булбул сенинг асроринга нотик,  
Шамъ ўтида парвона сенинг ҳуснунгга шайдо.*

Маъноси: Булбул гул юзида сенинг сирларингга нотик, парвона шамъ ўтида сенинг ҳуснингга шайдодир. Байтнинг сўнггида ҳанглар ижроси орқали наватдаги намудга чиройли боғланиш ҳосил бўлади.

Кейинги намуд Мухаяри Чоргоҳ намуди бўлиб, мана бу байт билан ўқилади:  
*Муҳтож сенинг даргоҳинга хусраву дарвеш.  
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.*

Маъноси: Сенинг даргоҳингда шоҳ-у гадо бир, шафоат умидида, муҳтождир. Доно ҳам жохил ҳам шундай тарбияланганки, Сенинг неъматингга яъни, Сен нимани ирода қилсанг, шунга розидир. Мазкур байт билан куйланган Мухаяри Чоргоҳ намуди энг дардли ва жозибали бўлиб, одатда, мазкур намуддан сўнг асарнинг энг юқори пардалари ижро этилади.

Авж:  
*Гўёки қуяр оғзи ул ўт хирқатидинким,  
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.*

<sup>38</sup> ЎзССР ФА. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2 том. –Т.: Фан. 1983. Б- 383.

<sup>39</sup> Ўша манба. Б- 394.



*Сарсари оҳимни, эй гардун, қилурсан тунду тез,  
 Маишъали хуршеди рахшонинг керакмасму санга?  
 Бизки, беш кун меҳмонмиз эй фалак, қасринг аро  
 Инжитурсан бизни, меҳмонинг керакмасму санга?  
 Эй гул, айларсан жафо хорин уруб, Мунисга жавр,  
 Андалиби дилкаш илҳоминг керакмасму санга?*

Навбатдаги, иккинчи тарона Аваз Ўтар ўғли ғазали билан ижро этилган. Мазкур таронанинг доира усули нота намунасига қараганда талқин усулига ўхшаб кўринсада, амалда Уфар доира усулига монанд қилиб чалинади.


### 2-тарона



*Кўй, эй пари пайкар, қадам айлаб карам бош устина,  
 Қаҳру ғазаб таркин қилиб, чин солмагил қош устина.  
 Зоҳид ул ойдин ижтиноб этса не тонг, аҳбобким,  
 Гар тушса ўлгай ламъаи хуришид хуффош устина.  
 Изҳор этиб бедоду кин ойинини бешак манга,  
 Борсам изидин ул гўзал тош отғуси тош устина.  
 Ҳосидлиг айлаб бу замон, ким берди дер аҳли жаҳон,  
 Кийса янги хилъат агар қашишоқи қаллош устина.  
 Бўйла муравватсиз замон аҳли эрурким, эй Аваз,  
 Гар топса фурсат бергуси оғу қўшуб ош устина.*

Учинчи таронанинг куй сурати иккинчи таронага қараганда бир оз тезроқ. Мақом ижрочилик амалиётига кўра, “юрғизилган” суратда ижро этилади. Бу тарона Гулханий ғазали билан куйланади.

### 3-тарона. Унинг доира усули:



*Кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж этмаз,  
 Тариқат солики бу йўлда май ли издивож этмаз.  
 Дили вайронадин, жоно, таваққуъ қилма догингни,*

*Бузулган мулкдин, албаттаким, султон хирож этмаз.  
Асири қоматинг гар соядек тупроққа ястанмиш,  
Гадойи даргаҳинг ҳам орзуйи тахту тож этмаз.  
Қамуг бемора лаълидин шифо бермиш Масиҳ осо,  
Надин ул шўх англаб, Гулханий, дардинг илож этмаз.*

Тарона сўнгида ханглар ва наср доира усулида супориш ижро этилиб, Сарахбори Ушшоқ туркуми якунланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзига хос бир доирани ташкил қилган ғазаллар ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан озикланган мақом шеърляти ҳамда мумтоз мусиқанинг куй йўллари, усул ҳамда шакл-шамойиллари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бу мумтоз мусиқа намуналарини таркибий тузилиши, куй-оханг хусусиятларини илмий таҳлил этиш, соҳа кишиларининг зиммасидаги бирламчи вазифадир. Мазкур қўлланма мақом санъатига қизиқувчиларнинг сафи кенгайишига ҳамда ёшлар онгида миллий охангларга нисбатан тўлақонли таассурот ҳосил бўлиб, саводли тингловчиларнинг етишиб чиқишига туртки бўлади деган умиддамиз.

## ҚАЙДЛАР УЧУН

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391 сонли қарори.
2. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. –Т.: ЎзССР. Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1963. Б- 184.
3. Шашмақом. I-II-III-IV-V-VI томлар. Файзулла Кароматов таҳрири остида. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. –Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1966-1975 йй.
4. Ўз.ССР ФА. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2 том. –Т.: Фан. 1983. Б- 383, Б- 394, Б- 497.
5. Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан. 1993. Б- 11.
6. Оқилхон Иброҳимов. Мақом ва Макон. –Т.: Мовароуннахр. 1996. Б- 12.
7. Ўзбек миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2004. Б- 558.
8. Ражабов И. Мақомлар. –Тошкент.: 2006. Б- 183, Б- 185, Б- 190, Б- 210, Б-218.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2007. Б- 22.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 143.
10. Ражабов И. Мақом асослари. Иккинчи нашр. –Т.: Янги аср авлоди. 2019. Б- 19, Б- 96, Б- 111-112.
11. Сафо Матжон, Шарофжон Сариев. Ўзбек адабиёти. –Тошкент.: 2009. Б- 34, Б- 40.
12. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. –Т.: Адолат. 2005.
13. Шайх Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Тошкент.: 2019. Б-195.

## Журнал ва газеталар:

1. Саид Аҳмад. Илоҳий неъмат. “Тафаккур” журнали. 1994 йил. № 1-сон. Б- 35.
3. Баҳодир Карим. “Бир ҳарф ташвиши” мақоласидан. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2015 йил, 42-сон.

## ИЗОҲЛАР:

**1. Дунаср** – ашула бошланиш оҳангларининг юқори пардаларда такрорланиши.

**2. Шўъба** – арабча “қисм”, “тармоқ” деган маънони англатади. Мақом истилоҳида шўъбалар мақомларни ташкил этувчи асосий қисмлар демакдир.

**3. Машшота** – зеб берувчи, пардозчи.

**4. Мукаллаф** – болалик ёшидан ўтиб, эркак ва аёллик давридаги ҳар бир мусулмон киши.

**5. Супориш** – топширув маъносини англатиб, мақомларнинг асосий шўъбалари якунида, кейинги асосий шўъбанинг куй тузилишига ўтиш учун восита вазифасини бажаради.

**6. Ҳанглар** – ашула йўлининг хонандалар томонидан сўзсиз ижро этилган қисмлари.

**7. Сарахбори Дугоҳ** ҳамда **Сарахбори Ирок** шўъбаларининг ғазал байти мазмуни Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев шарҳи асосида ёритилди.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Сарахбори Бузрук .....	9
Сарахбори Рост .....	33
Сарахбори Наво .....	52
Сарахбори Дугоҳ .....	68
Сарахбори Оромижон .....	87
Сарахбори Сегоҳ .....	100
Сарахбори Ироқ .....	120
<i>Илова</i>	
Сарахбори Ушшоқ .....	141
Фойдаланилган адабиётлар .....	149
Изоҳлар .....	150

*Услубий нашр*

**Абдумутал ҚАМБАРОВ,  
Дилшоджон ТОШАЛИЕВ**

## **САРАХБОРЛАР**

*Ўқув-услубий қўлланма*

*Муҳаррир:*

Ҳаётжон Бойбобоев

*Тех. муҳаррир:*

Назиржон Ҳошимов

*Саҳифаловчи:*

Муҳаммаджон Ҳошимов

Теришга берилди: 28.12.2020. Босишга рухсат этилди: 15.01.2021.

Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>8</sub> Нашриёт босма табағи: 19,0.

Шартли босма табағи: 19,25 Times New Roman гарнитураси.

Адади: 100 дона. Буюртма №:

«Фарғона китоб олами» МЧЖ «Фарғона» нашриёти.

150100. Фарғона шаҳри, Каштанзор кўчаси, 7-А уй.

«PRINT LINE GROUP» ХК босмаҳонасида чоп этилди.

100097. Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 40-уй.